

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 636.933.2

ШЕРОВ ЭРКИН ҚУРБОНОВИЧ

**“Қоракўл қўйларининг жун маҳсулотини
конституционал типига қараб селекциялаш”**

**5А 410603 – “Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини урчитиш, қўпайтириш ва
уларнинг селекцияси (ҳайвонлар турлари бўйича)” мутахассислиги
бўйича**

МАГИСТР
Академик даражасини олиш учун тайёрланган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: доцент А.И.Иноятов

САМАРҚАНД – 2015

МУНДАРИЖА

Кириш.....	4
I. Адабиётлар шарҳи.....	10
II. Тадқиқотларни бажариш шароити ва қўлланилган услубиятлар	
2.1. Тадқиқотни бажариш шароити.....	21
2.2. Хўжаликнинг табиий, иқлим ва яйлов шароити.....	25
2.3. Тадқиқотни бажариш услублари.....	39
III. Асосий қисм.....	44
3.1. Бухоро зот типигаги сур қорақўл қўйларининг “Сарибел” завод типигаги кумуш рангбарангликдаги ясси барра типли қорақўл қўйлар сурувининг таснифи.....	44
3.2. Қўйларнинг тирик вазни.....	50
3.3. Жун толаларнинг узунлиги.....	52
3.4. Жун қопламида ҳар хил жун толаларнинг ингичкалиги.....	56
3.5. Жун толаси узунлигининг, тивит зонаси баландлиги ва тола узунлигига бўлган нисбати.....	59
3.6. Қўйларнинг жун қирқими.....	62
3.7. Тажрибадаги қўзиларнинг жун толасининг узунлиги ва жун қирқими миқдори.....	66
3.8. Тажрибадаги қўзиларнинг жун толаси узунлигининг ўртача кунлик ўсиши.....	67
3.9. Тажрибадаги ҳар хил жун-конституционал типигаги қорақўл қўйлари жунининг сифати.....	68
3.10. Мавжуд қўйилган муаммоларнинг ечимининг иқтисодий самарадорлиги.....	70
Хулосалар.....	72
Ишлаб чиқаришга амалий таклифлар.....	73
Фойдаланилган адабиётлар руйхати.....	74
Иловалар.....	82

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Қорақўлчилик хўжаликларида жунни қайта ишлаш тизими етарли даражада ташкил этилмаган. Шу боисдан бу маҳсулот исроф бўлиб қолмокда. Қирқиб олинган жуннинг харидорини тополмай маҳсулотни бир чеккага ташлаб қўйган чорвадор оз эмас. Аслида жунни қайта ишлаш кони фойда, табиий жундан тайёрланган кийим-кечакнинг инсон танасига беқиёс куч ато этишини, бу неъматнинг ўрнини ҳеч нарса босолмаслигини ҳам тиббиёт алломалари бот-бот исботлаганлар.

Демак, Президентимиз ташаббуслари билан бошлаб берилган туб иқтисодий ислохотлар ўз меваларини кўрсатадиган замон келади, чорвадор туманларда ҳам жунни қайта ишлаш корхоналари пайдо бўлади ёки йирик корхоналар худди шу жойларда касаначиликни ташкил этадилар, бебаҳо неъмат — жун бурунгидек кадр топади деган ниятдамиз. Дарвоқе, амалга ошиши учун маҳаллий хокимликлар юртбошимизнинг халқпарвар сиёсатларини қўллаб-қувватлаган ҳолла амалга ошириш лозим деб ўйлаймиз..

Мамлакатимиз мустакиллик эришгандан сўнг Республикамиз Президенти ва Ҳукуматининг чорвачилик, айниқса қорақўлчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш борасида олиб борилаётган давлат сиёсати ўзининг ижобий натижаларини бера бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 июндаги 250- сонли қарорига асосан “Ўзбек қорақўл” компанияси ташкил этилиб, унинг таркибига 7 та худудий “Қорақўл” бирлашмалари ҳамда 103 та қорақўлчилик ширкат хўжаликлари киритилди. Қорақўлчилик мамлакатимизда чўл худудлари заҳираларидан самарали фойдаланиш омили бўлиб қолмасдан, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, қорақўл териларни ишлаб чиқариш ҳамда арзон таннархларда гўшт, жун, чарм маҳсулотларини ишлаб чиқариш манбаи ҳам ҳисобланади. Шу нуқтаи

назардан қоракўлчиликни ривожлантириш, соҳада иқтисодий ислоҳатларни янада чуқурлаштириш ва амалга ошириш устивор вазифалардан биридир.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш замирида халқимизнинг фаровонлиги кўзда тутилиб, Президентимиз 2015 йилни “Кексаларни эъзозлаш йили” деб номлаб, *Ўзбекистон Республикаси Президенти “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури тўғрисидаги қарорини қабул қилди.* Қарорда кексаларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш, ёши улуғ инсонлар, айниқса 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларига ижтимоий, пенсия таъминоти ва тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, оила ва жамиятда, ёшларни ўзбек халқининг кўп асрлик қадрият ва анъаналари руҳида тарбиялашда кексаларнинг ўрнини мустаҳкамлаш мақсадида, шунингдек, 2015 йилнинг “кексаларни эъзозлаш йили” деб эълон қилиниши муносабати билан қуйидагилар: “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурини амалга оширишнинг устувор вазифалари ва йўналишлари этиб белгиланди:

-Кексаларга ғамхўрлик кўрсатиш ва эътиборни кучайтириш, уларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга қаратилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, пенсия таъминоти ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ёши улуғ инсонларга давлат хизматлари, шу жумладан, турли маълумотнома ва тасдиқловчи ҳужжатларни олиш хизматлари кўрсатишнинг энг қулай тизимини шакллантириш;

Кексалар, авваламбор, фашизм устидан қозонилган ғалаба ва Ватанимизни қайта тиклашга муносиб ҳисса қўшган 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фахрийларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ёши улуғ инсонлар, биринчи навбатда, ёлғиз қариялар ва ногиронларга кўрсатиладиган ижтимоий ва маиший хизматлар рўйхатини кенгайтириш, уларни фаровон ва муносиб турмуш шароитлари

билан таъминлаш учун маҳаллалар, “Нуроний” жамғармаси, бошқа нодавлат ташкилотлари ва ижтимоий тузилмалар томонидан моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш миқёсини ошириш;

-Фахрийлар ва ёши улуг инсонларга тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш, уларни тизимли асосда соғломлаштиришни ташкил этиш, профилактика тадбирларини кўпайтириш, кўриш ва эшитиш органлари, таянч-ҳаракат тизими ва юрак-қон томир касалликларини даволашнинг замонавий усуллари билан қамраб олиш ва улардан фойдаланишни кенгайтириш, кексалар ва ногиронларни ёрдамчи ҳамда техник реабилитация воситалари билан, жумладан, имтиёзли асосда таъминлаш, кексаларга хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган санаторий-соғломлаштириш ва ижтимоий хизмат кўрсатиш муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш;

-Мамлакатимизнинг мудаффа қобилияти, иқтисодий, маданий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, жамиятимизда тинчлик, тотувлик ва барқарорлик муҳитини мустаҳкамлашга бебаҳо ҳисса қўшган, соғлом ва баркамол униб-ўсаётган авлодни тарбиялашда фаол иштирок этаётган кекса авлод вакилларига муносиб эътибор қаратиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қўламли чора-тадбирларни тизимли асосда амалга ошириш, оила ва жамиятда ёши улуг инсонларнинг ўрни ва обрўсини ошириш, болалар ва ёшларни ота-оналарни, ҳар бир нуронийни чуқур ҳурмат қилиш, эозлаш ва уларга ғамхўрлик кўрсатиш туйғуси руҳида тарбиялаш бўйича аниқ тадбирларни амалга ошириш;

-Ҳар бир кексага ҳар томонлама эътибор қаратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини кучайтириш ва ошириш, кексаларнинг ҳаёт фаолияти ва дам олишини ташкил этиш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, бунда улар учун туман ва маҳаллаларда мулоқот марказлари, қизишни бўйича клублар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун

шароит яратиш, телевидение, оммавий ахборот воситалари, кинотеатрлар, театр ва бошқа маданий-маърифий муассасаларда ёши улуғ инсонларнинг қизиқишларига мос мавзуда янги махсус кўрсатувлар, спектакль ва фильмлар яратиш ва эфирга узатиш ҳажмини кўпайтириш;

-Маҳаллалар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ташкилий тузилмасида кексалар ва ногиронларга доимий эътибор қаратадиган секторни мустаҳкамлаш, бунда уларга хизмат кўрсатадиган идора ва хизматлар, биринчи навбатда, пенсия, ижтимоий ва тиббий таъминот хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилишни назарда тутиш.

Қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури тўғрисидаги қарори замирида нафақат халқимизнинг миллий қадриятлари балки, моддий юксалиши ҳам назарда тутилган бу эса Республика чорвачилиги олдида ҳам муҳим вазифаларни юклайди.

Қоракўлчилик соҳаси Республика аграр секторининг рентабеллик билан ишлаётган муҳим тармоғидан биридир. Қоракўл зотидан олинадиган асосий маҳсулотлар қаторига дағал қўй жуни ҳам кирази. Мамлакатимизда етиштириладиган барча жун турларининг 70-80% ни қоракўл қуйлар жуни ташкил қилади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ясси қаламигулли насли кўчқорлар билан совликларни гомоген жуфтлаш натижасида олинган ҳар хил конституционал типдаги авлодларнинг жун маҳсулдорлик хусусиятлари Навойи вилояти Конимех туманидаги “Сарибел” наслчилик хўжалиги шароитида махсус тадқиқотлар асосида етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация ишининг илмий- тадқиқот ишлари билан боғликлиги.

Диссертация мавзуси институтнинг илмий - тадқиқот мавзуси таркибига асосан олиб борилди.(Давлат қайдномаси рақами 01.90004ПЗ).

Тадқиқотнинг мақсади. “Сарибел” наслчилик хўжалиги шароитида ҳар хил конституционал типдаги қорақўл қўйларининг айрим жун махсулдорлиги хусусиятлари, жун ишлаб чиқариш технологик кўрсаткичлари ва иқтисодий самарадорлигини ўрганишдан иборат. **Тадқиқотнинг вазифалари:**

- тирик вазни
- жун қирқими
- яппоғи жунининг сифати
- жун тола узунлиги
- тивит жун тола баландлиги
- жун қопламининг морфологик таркиби
- жун толаларининг ингичкалиги
- жун таласи ўсиш тезлиги
- қўзи жун таласи узунлиги
- тажрибанинг иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиш;
- хулосалар ва ишлаб чиқаришга амалий тавсиялар бериш;

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар :

- совлиқларнинг тирик вазни;
- жун қирқими;
- яппоғининг жуннинг нави;
- жун копламасининг толим баландлиги;
- тивит зонаси баландлиги;
- жун қопламининг морфологик таркиби;
- жун толаларининг ингичкалиги;
- жун тола узунлиги;
- жун таласи ўсиш тезлиги
- қўзи жун таласи узунлиги
- тадқиқотнинг иқтисодий самарадорлиги;

Мавзунинг илмий янгилиги. Қоракўл қўйларининг ранги бўйича гомоген жуфтлашдан олинган ҳар хил конституционал типига мансуб бўлган қўйларнинг жун махсулдорлиги Навоий вилояти Конимех туманидаги “Сарибел” наслчилик хужалиги шароитида биринчи марта махсус тажрибаларда ўрганилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотларда ясси қаламгулли насли кўчкорларни совликлар билан жуфтлаш натижасида ҳар хил конституционал типдаги қоракўл қўйларининг жун махсулдорлиги ва унинг сифатини яхшилаш муҳим хўжалик ва технологик аҳамиятга эгадир.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилганлиги.

Тадқиқотларнинг асосий натижалари Конимех тумани “Сарибел” наслчилик хужалигида жорий этилди.

Ишнинг синовдан ўтиши. Махсус илмий ишлаб чиқариш тажрибалари натижасида олинган маълумотлар Самарқанд қишлоқ хўжалик институти “Яйлов чорвачилиги ва ҳайвонларни озиқлантириш технологияси” кафедрасининг илмий семинарида, институтнинг илмий конференцияларида (2014,2015) ҳамда хўжалик мутахассислари иштирокидаги йигилишларда муҳокама этилди.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилиниши. Тадқиқот натижалари бўйича 2 та мақола Республика илмий амалий конференциясида, 1 та мақола ОАК эътироф этган журналларда эълон қилинди.

Диссертациянинг таркибий тузилиш ва ҳажми. Диссертация иши 76 бетдан иборат бўлиб, компьютер матнида ёзилган ва у: кириш, адабиётлар шарҳи, хўжалик тарихи, тадқиқотларни ўтказиш методикаси, асосий қисмида завод типининг таснифи ва тажрибалар натижалари, ҳаёт фаолият ҳавсизлиги, хулосалар, ишлаб иқаришга амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва интернет маълумотлари каби қисмлардан иборат. Диссертация ишида 19-жадвал, 9-расм.

I. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ.

Одамзод янги эрадан тахминан беш минг йил илгари фойдаланилган дастлабки матолар: қичиқи ўт, ёввойи зиғир, ёввойи наша ўсимликлари толасидан тўқилар эди. Бирмунча кейинроқ қўй ва эчкилар жунни ишлатила бошланган. Ундан кейинроқ эса Мисрда пахта расм бўлган. Бундан қарийб беш минг йил илгари Хитойда шойи газламалар маълум эди. (Ризаев Ш.М. ва бошқалар 1985). Республикамизда қоракул қўйлар энг кўп сонли зот хисобланади, бугунги кунда “Ўзбек Қорақўли” компания тизимидаги қоракулчилик хужаликларида 1,7 млн бошни (100%) ташкил этиб, шундан Қорақолпоғистон Республикасида 125 минг бош (7,5%), Бухоро вилоятида 129 минг бош (7,7%), Жиззах вилоятида 206 минг бош (12,3%), Қашқадарё вилоятида 266,6 минг бош (16%), Навоий вилоятида 725,9 минг бош (43,5%), Самарканд вилоятида 165,2 минг бош (9,9%), Сурхондарё вилоятида 50,4 минг бош (3,1%) қорақўл қўйлари урчитилмоқда. Қорақўл қўйлари мамлакатимиз ҳудудининг 18,5 млн.га чўл ва ярим чўл яйловларда парваришланмоқда.

Қоракул қўйларнинг жун маҳсулоти халқ хўжалигида катта аҳамиятга эга бўлиб, жами ишлаб чиқарилган дағал жуннинг 70-80 фоизига яқини қоракул қўйлари жунни зиммасига тўғри келади. Ҳозирги вақтда қорақўлчилик хўжаликларида жунни сотишдан кам миқдорда даромад олинаёпти. Маълумки, қорақўл қўй зоти билан олиб борилган илмий тадқиқот ишлари азалдан маълум бўлган чорвадорлар амалиётда мазкур зотнинг ўзига хос ички тузилишига эга эканлигини кўрсатди. Жумладан қорақўл қўйлари жун конституция типларига, барра типларига, классларга, жун қоламининг рангларига, бошқа белги ва хусусиятларига кўра турли гуруҳларга ажратилади. Қорақўл қўйлари конституция типига кўра, уларнинг маҳсулдорлик даражаси турлича бўлиши кузатилган (С.Ю.Юсупов 2000).

Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари конституцияси тўғрисидаги таълимотнинг ривожланишида И.П.Павлов (1951), М.И.Сеченов (1952), П.Н.Кулешов (1960), Е.А.Богданов (1959), Е.А.Лискун (1949), М.Ф.Иванов (1949) ва бошқаларнинг таълимотлари муҳим рол ўйнаган.

Е.Ф.Лискун (1949) қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг маҳсулдорлигига ташқи муҳитнинг таъсири тўғрисида, "Қайси жойда бир вақтнинг ўзида кўп таъсиротлар тасир кўрсатади, қайсики бу таъсиротларнинг кўп ёки кам миқдорда ёки бир хил омиллар таъсирида белгиланган режадаги мажмуавий фаолияти натижасида ҳайвонларнинг ташқи ва ички тузилишида натижаларни кутиш мумкин ва лозим" деб таъкидлайди.

В.В.Рольник (1959) ҳайвонларнинг тирик вазнининг ошиши билан уларнинг танасида жуда катта захира тўпланади, улар оч қолганда ёки кам озиқлантирилганда сарфланади. Жуссаси катта қўйлар зот ичида ёки сурув ичида яхши соғломлиги ва мустаҳкам конституцияси билан ажралиб туради деб кўрсатади.

М.А.Ширинскийнинг (1961) кичик тирик вазнга эга бўлган майда гулли ота-оналар кичик вазнли, катта гулли қўйлар эса катта вазнли қўзи беради деб кўрсатади.

Таниқли олимлар Е.А.Богданов (1959), Дж.Хеммонд (1963), М.Ф.Иванов (1964) томонидан ўтказилган; узиш, ривожланиш ва тана тузилиши масалаларига бағишланган илмий тадқиқотларда қўйларнинг ўзиши, ривожланиши ва тана тузилиши ҳамда уларнинг жун маҳсулдорлигига ирсий омиллар (зот, жинс, ҳайвонларнинг қариндошлик даражаси) билан бир қаторда озиқлантириш ва сақлаш омиллари ҳам маълум даражада таъсир этиши таъкидланган.

Қорақўл қўзиларнинг туғилган вақтдаги тирик вазни, уларнинг кейинги ривожланишини, яшовчанлигини ва ташқи муҳит таъсирига мослашувчанлигининг муҳим омилдир. Бундан ташқари туғилгандаги тирик вазнига, қорақўл терининг сатҳи ва ўлчамлари ҳам боғлиқ бўлади.

М.И.Котовнинг (1950) фикрича, ҳар хил тирик вазндаги қоракўл қўзиларнинг барра терисининг қалинлиги ҳам вазни ҳам ҳар хил бўлади. Қўзиларнинг тирик вазни билан уларнинг барра терисининг вазни ўртасидаги ўзаро мусбат боғлиқлик тўла қонунийдир. Хайвон қанча катта бўлса терисининг вазн ҳам шунча оғир бўлади, янада аниқроқ боғлиқлик қўзиларнинг тирик оғирлиги ва барра терисининг ўлчамлари ўртасида намоён бўлиб. Тирик вазн қанча катта бўлса, тери ўлчамлари ҳам шунча катта бўлади.

М.Ш.Исмаилов ва бошқалар (2012) маълумотларига кўра қўзилатишнинг биринчи даврда туғилган қўзилар, ўртасида ва охирида туғилган қўзиларга нисбатан ажратиш даврида мос равишда 4,1; 4,4 кг, бир ёшда мос равишда 1,5 ва 2 кг кўп тирик вазнга эга бўлган.

Ўсиш ва ривожланиш умумий ривожланишнинг алоҳида жихатларини акс эттиради. Шу пайтгача ўсиш ва ривожланиш турли олимлар тамонидан турлича талқин этилган. И.И.Шмальгаузен (1935) тирик мавжудотнинг ўсиши организмнинг фаол қисмларининг вазни каттариши деб ҳисобласа П.Д.Пшеничный (1961) эса ўсиш – тана вазнининг каттариши, ривожланиш – хайвоннинг прогрессив морфо-физиологик ўзгаришларининг йиғиндиси деб қараса К.Б.Свечин (1963) организмнинг ривожланиши қуйдаги; дифференцация ва ўсиш жараёнларидан таркиб топади; дифференцация – организмнинг ривожланиш жараёнида хўжайралар, тўқималар ва организмда биохимик, морфологик ва функционал ўзгаришларнинг вужудга келиши, ўсиш жараёни эса хўжайраларнинг бўлиниши натижасида уларнинг вазни ва ҳажми ҳамда хўжайралараро ҳосилаларнинг кўпайиши орқали юзага келади деб ҳисоблайди.

Хайвонларнинг ўсиш ва ривожланиш қонуниятларини ўрганишга жуда кўплаб илмий тадқиқотлар бағишланган.

А.М.Миденддорф (1921), Н.П. Чирвинский (1923, 1933), А.А. Малигонов (1929), В.Я. Бровар (1960) Дж. Хеммонд (1937,1963), С.Н.

Боголюбский (1938,1948,1957), К.Б. Свечин (1963), Д.Л. Левантин (1967,1972) Ф.Н. Янченко (1985) ва бошқалар хайвонларнинг ўсиш ва ривожланиши нотекис ўтиши ва маълум биологик қонуниятларга бўйсунганини кўрсатишган.

Хайвонлар ёшининг ўзгариши билан ўсиш тезлигининг пасайиши унинг непропорционаллиги ва ўсиш жараёнининг даврийлигини Е.А.Богданов (1959), И.Н. Шмальгаузен (1935), Шмидт Г.А.(1957,1959) П.Д.Пшеничный (1963) ўз тадқиқотларида кўрсатишган.

Г. Hammondнинг (1937) такидлашича, хайвонлар организмнинг ривожланиши билан уларнинг ёши ва тирик оғирлиги ўртасида маълум даражада боғлиқлик борлиги айниқса ривожланиш ва тирик оғирлигининг ўзгариши ўртасида жуда яқин ўзаро боғлиқлик борлигини кўрсатади. Маълум бир ёшда хайвоннинг тирик вазнининг кўрсаткичи жуда катта аҳамият касб этади, тез ўсувчи хайвонларнинг тирик вазни секин ўсувчи хайвонларга нисбатан сўйиш вазнига тез етилади.

Хайвонларнинг гўштдорлигининг шаклланиши ва тез етилувчанлигида – ўсиш ва ривожланиш ўзаро боғлиқ ходисалардир.

Қишлоқ хўжалик хайвонларининг тез етилувчанлиги тўғрисидаги таълимотга М.Ф. Иванов (1964) К.Б. Кулешов (1960), К.Б.Свечин (1963) ва бошқа олимлар ўзларининг улкан хиссаларини қўшишган.

П.Н.Кулешов (1960) анча тез етилувчи хайвонларни, ёш вақтида юқори гўшт ва ёғ чиқимида эга бўлган хайвонлар ҳисобланади деб кўрсатади.

Дж. Хеммонд (1985) тез етилувчан хайвонларни, ёш вақтида, гўшт учун сўйилганда гавдадаги лаҳм ва суякнинг мақбул нисбати билан аниқланади деб тўлдиради.

К.Б.Свечин (1962,1976) тез етилувчанликни организмнинг ривожланишининг энг юқори босқичига етишиш хусусияти ҳисоблаб, хайвондан муддатидан эрта фойдаланиш имкониятини таъминлаш ва подани тўлдириш, сут, гўшт ва бошқа махсулдорлиги учун, ўз ҳаётига зарар

етказмаслиги ва алохида ҳолатларда ушбу ҳайвоннинг узоқ умр кўриши деб ҳисоблайди.

С.В.Буйлов, В.М.Курганский (1966) тирик вазн ҳайвоннинг ривожланиши даражасини таснифлайди ва ҳўжалик нуқтаи назаридан қизиқарли бўлган қўйларнинг гўшт ва жун маҳсулдорлигини унга боғлиқ деб ҳисоблайди.

Ҳайвонларнинг тирик вазни ва ўртача суткалик ўсиши, асосий зоотехник кўрсаткич ҳисобланиб, у ўсиш устидан назорат қилиш ва ҳайвоннинг ҳўжалик ва физиологик тез етилувчанлиги тўғрисида ҳулоса қилиш имкониятини беради.

В.А. Эктов (1982), Д.К. Михновский (1964), Б.М. Мусин, А.Г. Яковлев (1966) ўз тадқиқотларида туғилган вақтдаги тирик вазни ёш қўзилар ривожланишининг постэмбрионал даврда, ҳал қилувчи омил деб ҳисоблашади. Паст тирик вазнда туғилган қўзилардан кейинчалик майда жуссали ҳайвонлар, юқори тирик вазндаги туғилган қўзилардан эса катта жуссали ҳайвонлар шакилланади деб кўрсатишган.

Е.С. Мажаеванинг (1952) фикрига кўра қўзиларнинг туғилганидаги тирик вазни уларнинг келажакдаги тақдирини, айниқса 10-15 кунлик ёшидаги яшовчанлигини белгилашда ўта муҳим ҳисобланади.

Ф.М. Муҳаммадғалиев (1966) такидлашича, ўсиш ва ривожланиш қуйидаги даврларга бўлинади: янги туғилганлик даври (10-15 кун), энг юқори ўсиш даври (1-3 ой), ўсишнинг секинлашуви даври (4-5 ой), ўсишнинг тўхташ даври (6-7 ой) вояга етишдан олдинги давр. Муаллиф, ўсиш ва ривожланишнинг бу қонуниятларини, ёш қишлоқ ҳўжалик ҳайвонларни ўстиришда ҳисобга олиш зарур бўлади деб ҳисоблайди. Турли хил ташқи муҳит омилларидан оқилона фойдаланиш оқибатида ўсиш ва ривожланиш жараёни жадаллаштириш, ўсишнинг пасайишини ва ёш ҳайвонларнинг кўплаб чиқимга чиқишининг олдини олиш мумкин бўлади.

Организм ўз индивидуал ривожланиши жараёнида, турли даврларни

ўтайди, уларнинг ҳар бирида ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Ривожланиш даврдаги даврий босқичларнинг мавжудлигини; организмнинг ёшининг улғайиши билан унинг функционал йўналиши ва яшаш шароитига специфик талабининг ҳам ошишини билмасдан чорвачиликни истиқболли ривожлантириш тизимини яратиш мумкин бўлмайди.

Хайвонларнинг пастэмбрионал ривожланиш жараёнида, тананинг турли хил жойида тўқималар бир хил жадалликда ўсмайди, бунинг оқибатида мускулларнинг, скелет суяқларига ва тўпланган ёғга нисбати, қўйларнинг ёши ошиб бориши билан сезиларли ўзгаришларга дучор бўлади.

Бошқа қишлоқ хўжалик хайвонлари каби қорақўл қўйларининг ҳам конституция типлари ишлаб чиқариш шароитида Кулешов-Иванов бўйича кўз орқали аниқланиб, дағал, нозик, пишиқ ва мустаҳкам конституция типларига ажратилади.

Қорақўл қўйларининг конституция типлари қуйидаги кўрсаткичлари бўйича тавсифланади.

Дағал конституция. Дағал конституциядаги қўйлар оғир гавда суягига, ҳажмдор мускулатурага, кучли ривожланган қалин териға, кучсиз ривожланган бириктирувчи ва ёғ тўқимаси билан тавсифланади. Бу типдаги қўйларнинг соғлиги мустаҳкам аммо маҳсулдорлиги ва серпуштлигининг паст. Кўп ҳолларда дағал конституция типдаги қўйлар бош чаноғи суягининг кучли ривожланганлиги ва аниқ ифодаланган дўнг бурунлик ҳамда оёқлари ва қорнида кучсиз жун билан қопланиш даражаси кузатилади. Жун қоплами дағал бўлиб, нотекис унда ўлик ва қуруқ тола миқдори кўплаб учрайди. Озуқани маҳсулот (жун, гўшт, қорақўл тери) билан қоплаш даражаси паст. Қорақўлчиликда дағал конституция типдаги қўйларни урчитиш мақсадга мувофиқ эмас.

Нозик конституция. Нозик конституция типдаги қўйлар енгил гавда суяги ва танасининг эни ва чуқурлиги бўйича етарли даражада

ривожланмаганлиги, бой бўлмаган пишиқ мускулатура, нозик ва бўш тери ҳамда баъзан мустаҳкам бўлмаган жун қоплами билан тавсифланади. Оёқлари ва қорнининг жун билан қопланиш даражасининг паслиги жуда кўп кузатилади. Баъзан танасининг эни ва чуқурлиги бўйича етарли даражада ривожланмаслиги тор кўкраклик ва орқа оёқларининг сакраш бўғинларининг яқинлашиши кузатилади.

Нозик конституция типигаги қўйлар жуда ҳаракатчан бўлиб, улар моддалар алмашинувининг жадаллиги билан фарқланади. Маҳсулдорлиги ва серпуштлиги паст бўлиб, ўсиши етарли даражада бўлмайди.

Пишиқ конституция. Пишиқ конституция типигаги қўйлар умеренно ривожланган, мустаҳкам гавда суяги ва яхши тана тузилишига эга. Мускуллари пишиқ бўлиб, тери ости бириктирувчи тўқималарининг кучли ривожланмаганлиги сабабли мускуллари аниқ тавсифланган. Териси етарли даражада пишиқ, одатда ингичка ва зич жун қоплами билан қопланган.

Пишиқ конституция типигаги қўйлар ҳаракатчан, соғлом, моддалар алмашинуви юқори бўлиб, ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқ типдаги ҳайвон ҳисобланади. Улар мустаҳкам конституция типигаги ҳайвонлардан кам фарқ қилади.

Бўш конституция. Бўш конституция типигаги қўйлар асосий белгилари бўйича пишиқ конституция типигаги қўйларга қарама-қарши. Уларда тери ости ёғ клеткалари кучли тўпланган ва ички органлари ва мускул тўқималарида сезиларли даражада кўп ёғ тўпланган. Мускуллар тегишли тана қисмларини яхши тўлдирган шу сабабли бу типдаги ҳайвонларнинг гавдаси думалоқ. Гавда суяги ўртача ёки яхши ривожланган. Териси мулойим, бўш, ҳамирсимон, жуни сийрак одатда узун. Кўп ҳолларда ҳайвонлар жуда жуссали аммо кам ҳаракатчан, моддалар алмашинуви паст, серпуштлиги кам. Улар ташқи таъсиротларга кам чидамли.

Бўш конституция типи гўшт йўналишидаги зотли қўйларда кўплаб учрайди, уларнинг озукани гўшт маҳсулоти билан қоплаш даражаси кучли.

Мустаҳкам конституция. Мустаҳкам конституция типдаги қўйлар тетик соғлом кўринишга эга; гавда суяги мустаҳкам ва кучли, унча катта бўлмаган бош, танаси пропорционал ривожланган, тери ости ва ёғ тўқималари ўртача ривожланган аммо жуда қалин эмас, жун толаси ўрта қалинликда. Оёқлари ва қорни жун билан яхши даражада қопланган.

Бу типдаги ҳайвонларнинг маҳсулдорлиги мақсадга мувофиқ, соғломлик, сурувни такрор кўпайтириш функцияси, озукани маҳсулот билан қоплаш даражаси, касалликларга чидамлилиқ билан уйғунлашган равишда тавсифланади.

Қўйлар экстеръери. Экстеръер қўйлар конституциясининг ҳамда уларнинг маҳсулдорлик йўналишининг энг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. У битта конституция типи доирасида ҳайвоннинг ривожланиш даражасини баҳолаш имкониятини беради.

Экстеръер бўйича қўйларнинг маҳсулдорлик сифати баҳоланади. Яхши ривожланган, яғрин, елка, бел, кўкрак ва ҳ.к. қўйлардан яхши маҳсулот олишни кафолатлайди.

Қўйлар экстеръерини ёзиш ва баҳолашда типи, жинси ва ёшини ҳисобга олган ҳолда тана қисмларининг шакли, тузилиши ва ривожланишига алоҳида эътибор берилади. Шу сабабли экстеръерни қўйларнинг маҳсулдорлик сифати аниқ ифодаланган вақтда баҳолаш мақсадга мувофиқ.

Одатда қўйлар экстеръерини ёзишда бошининг тузилиши, шакли ва шоҳига, бўйни ва кўкрагининг эни, чуқурлиги ва кенлигига, яғрин баландлигига ва елканинг чуқурлигига, думғазанинг узунлиги эни ва тузилишига, кўкрак чуқурлиги ва унинг ҳажмига, тананинг шакли ва ривожланганлигига, маклоklar оралиғи кенлиги ва ўтирғич суяклари кенлигига, мускулланганлигига, оёқларининг қўйилишига, тана қисмларининг жун билан қопланиш даражасига ва ҳ.к кўрсатилади.

Боши. Қўйлар бошининг тўғри тузилиши катта аҳамиятга эга чунки бош тузилиши конституция типи билан ҳатто жун сифати билан яқин

корреляцион боғлиқ. Шу сабабли майин жунли қўйлар бонитеровкасида қўйларнинг конституция типини асосан бошининг ривожланиши бўйича аниқланади.

Қалин тери билан қопланган дағал(катта) бош дағал конституциядаги ҳайвонларга мансуб. Дағал бош кўп ҳолларда дағал жунли қўйларда учрайди. Дағал бош кўп ҳолларда ёш қўзиларни нотўғри парваришлашнинг асорати ҳисобланади.

Нозик конституцияга мансуб қўйларда кўп ҳолларда узун энсиз бош кўп учрайди, у гавда суягининг қониқарсиз ривожланиши билан бирга юз беради.

Қорақўлчилик амалиётида қўйларни жун-конституция типи бўйича класификациялаш қабул қилиниб, унга кўра улар тўртта типга бўлинади.

Турли жун-конституция типдаги қўйлар В.М.Юдин (1964), Е.В.Одинцова (1962), Э.К.Крымская ва Н.А.Кузнецова (1951), Э.К.Крымская (1971), И.Я.Аверьянов (1951), Н.С.Гигинейшвили (1954,1976), И.И.Соколов (1955), С.Ю.Юсупов (2005), Шеров Э., Иноятов А (2014) томонидан ўрганилган.

Ғўзамой жун-конституция типдаги қўйларнинг тана суяклари нормал ривожланган, экстеръери нуқсонлардан ҳоли, зот белгилари яхши ифодаланган, териси юпқа ва пишиқ. Жун майин, ўртача узунликда, этарли даражада қуйуқ, жун толаларининг устки қисмида тарам-тарам бўлиб ўрилган кокилчалар бўлади. Жун қоплами таркибида жуда йўғон қил ва жуда ингичка ёки қисқа тивит толалари учрамайди. Жунининг мойлилик даражаси юқори бўлади. Тана қисмлари (боши, оёғи, ва қорни)нинг жун билан қопланиш даражаси яхши. Жун қоплами текис.

Ғўзамой жун-конституция типига мансуб бўлган қўйларни барча экологик ҳудудлардаги қорақўлчилик хўжаликларида урчитиш мақсадга мувофиқ. Бу типдаги қўйлар соғлом, мустаҳкам конституцияли, ташқи муҳит таъсирига ва касалликларга чидамлилиги юқори. Сурувни такрор тўлдириш

хусусияти яхши.

Бундай куйларни узига мос кучкорлар билан қочирилса, одатда юкори сифатли ярим доирали гуллар билан тулган тери олинади ва кузилари соглом, маҳалий шароитга чидамли бўлиб туғилади.

Нозик жун-конституция типигади қўйларнинг жун қоплами қуюқ, мулойим, ярим дағал, калтарок, жун қоплами қўнғироқли штапелли кокилчалардан иборат бўлади. Йўғон жунлари оралик жунлардан ташкил топган бўлиб, узунлиги тивит жунларга тенг бўлади, жун мойилилиги меёрда. Бош ва оёқларида жун қоплами одатда яхши ўсган бўлади. Жун қоплами “қиррик” қўйларникига нисбатан одатда эртарок қўнғирлашади ва оқаради. Суяклари мустаҳкам конституцияли қўйлар каби яхши тараққий етган бўлади.

Бу типдаги қўйлар кўпинча яхши сифатли, гуллари майда, юпка, вазн енгил терили қўзилар беради.

Оқ гул жун-конституция типигади қўйларнинг тана суяги оғир, боши қўпол, жуни дағал, йўғон, узун, қилтиқ жунларга бой, тивити кам бўлади. Жунлари кам ўрамли, баъзан тўғри, ўралмаган катта-катта кокилчалардан иборат бўлади. Боши, оёқлари ва қорнининг жун билан қопланиш даражаси паст.

Оқ гул типигади қўйларнинг териси қалинлашган ёки қалин, қоракўл терисидаги гуллари катта, жуни зич эмас, ўсик жунли қўзи беради.

Қирик жун-конституция типи ёки жуда нозик қўйларнинг тана суяклари ва боши енгил, териси жуда юпка, жун таркибида тивити жуда кўп, жуни қиска, тарам-тарам, буралиши жуда кучли, кам оқарган, кўпинча қуруқ жунли штапелли кокилчалардан иборат бўлади. Тана қисмлари (қорни, боши ва оёқлари) калта, қуруқ жунлар билан қопланган. Жун махсулоти чиқими бошка жун-конституция типигади тенгқурларининкидан кам. Бу типдаги қўйлардан олинган қўзиларнинг қоракўл сифати паст, кўпинча жуни қуруқ, ялтироқлиги хира, гул ўлчамлари майда бўлади.

М.Ф.Иванов (1949) ва В.М.Юдин (1968) Б.Н.Васин (1991) томонидан қоракўл териларининг сифати билан катта ёшли қўйларнинг конституция типи ўртасидаги боғлиқлик аниқланган. Бу боғлиқликни муаллифлар қоракўл гули ўлчамлари ўртасида қаралди. Дағалроқ жун толаларининг катта гулларни шакллантириши, қўйларнинг конституциясининг дағаллигини белгиловчи кўрсаткич ҳисобланади. Ингичка ва кучли спиралланган, майда гулни шакллантирувчи жун толалари қўйларнинг конституциясининг нозиклигидан далолат беради.

Қоракўл сифатининг конституция типлари билан боғлиқлиги И.И.Аверьянов (1952) ва И.Н.Дьячковнинг (1980) тадқиқотларида ҳам ўз тасдиғини топган. Уларнинг тадқиқотларида мустаҳкам конституция типигаги қўйлар асосан ўрта ўлчамдаги гулли, пишиқ териси юпқа ва гули мустаҳкам қўзилар бериши, нозик конституция типигаги қўйлар енгил, юпқа, кичик сатҳли ва майда гулли қўзилар бериши, оғир, катта, қалин ва сатҳи катта бўлган, оғир ва катта гулли терилар дағал конституция типигаги қўйлардан олинishi аниқланган.

Ш.М.Ризаев (1968), К.А.Ахмедов (1986) тадқиқотларида катта вазнли қўзилар дағал конституция типигаги қўйлардан, енгил вазнли қўзилар нозик конституция типигаги қўйлардан олинishi кўрсатишган.

К.А.Ахмедов (1986) синфи бўйича яхши қўзилар ва наводорлиги бўйича яхши барра териларни мустаҳкам конституция типигаги қўйлар, сифати паст териларни нозик конституция типигаги қўйлар беришини кўрсатади.

В. С. Ерофеев, Ф. К. Шарафутдинов, А. Саденов (1988) тадқиқотларида гулларнинг шакл ва ўлчамларининг қўзиларнинг маълум конституция типига мансублигига, тери ва унинг қатламларининг қалинлигига, жун толаларидан унинг узунлиги ва диаметрига боғлиқ ҳолда шаклланиши аниқланган.

Ш.М.Ризаев ва бошқалар (1985) маълумотларида қора рангли қоракўл қўйларнинг ўртача йиллик жун махсулдорлиги 2,0 килограммни , кўк қоракўл қўйларида 1,94 килограммни ташкил этиши кузатилган. Шунингдек, ушбу муаллифнинг таъкидлашича қоракўл қўйларнинг жун махсулдорлиги уларнинг 4 ёшлигигача кўпайиб, кейинги ёш даврларида камайиб боради.

С.Р.Бозоров (1989,2000,2003) тадқиқотларида турли конституция типига мансуб қоракўл қўйларнинг жун махсулдорлиги буйича фарқланиш кузатилган.Ушбу маълумотларда мустаҳкам конституцияли қўйларнинг ўртача йиллик жун махсулдорлиги 1,86 кг, нозик конституцияли қўйларда 1,39 кг, ни дагал конституцияли қўйларда эса 2,09 кгни ташкил этиши аниқланган. Бундай фарқланиш мустаҳкам ва нозик конституцияли қўйларнинг тоза жун чиқими бўйича 0,35кгга тенг бўлиши қайд этилди.

М.Ж.Зокиров,С.Ю.Юсуповларнинг (1991) фикрича қўйларда жун махсулдорлигининг ортиши қўйларнинг йириклашиши туфайли тери сатҳининг каттариши натижасида юзага келади.

А.Газиёв.,У.Т.Фозилов. (2013), А.Газиёв ва бошқалар (2001), М.А. Гиёсов ва бошқалар. (2001), Хомиладаги жун муртаклари жун фолликулаларига айланади. Шаклланаётган жун туклари тери юзасига тешиб чиқади. Қилтик толаларнинг учи ҳам калланинг тепа қисмида 100 кунда, бўйнинг олдинги қисмида 106 кунда, кўкрагида 107 кунда, яғринда 108 кунда, қорнида 109 кунда, курак, орқа ва сон қисмларида 115 кунда тери юзасига чиқади. (И.Н.Дьячков 1980, М.Д.Закиров, Д.Х. Хамракулов, Ш.Ш.Ширинбаев 1983, М.Д.Закиров, К.А.Каримов 1987, М.Д.Закиров С.Ю.Юсупов 1995, К.Е.Елемесов 2000,).

Дагал жунли қўйларнинг янги тугилган кузиси терисининг умумий калинлиги 1950 мкм ни ташкил этган бўлса, ярим майин жунли қўйларда 1536 мкм ни, майин жунли қўйларда эса 2265 мкм га тенг бўлган. (Ш.К.Турсунов 1991)

Турли ранг ва рангбарангликдаги қорақўл қўйларининг биологик хусусиятини ўрганиш орқали унинг маҳсулдорлик сифатини яхшилаш бўйича қатор тадқиқотлар Р.Г.Валиев (1984), О.А.Ибрагимов (1996) А.Газиёв, У.Т.Фазилов (2013), С.Ю. Юсуповлар томонидан (2008,2009,2013) ўтказилган. Э.Н.Насимов ва бошқаларнинг (2013) маълумотига кўра толанинг ўсиши, жун қирқим миқдори ва сифати сезиларли даражада қўйларнинг сақлаш шароити, озиклантириш ва физиологик ҳолати билан боғлиқ бўлиб, қўйларнинг териси бу омилларга ўта сезувчан, тўла қийматли озиклантириш қўйлар жун толасининг шаклланиши, ўсиш тезлиги, жун қирқим миқдори ва сифатига ҳамда тирик вазнининг ошишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади, етарли даражада озиклантирилмаганда эса аксинча, толанинг ўсиши пасайиб, жун қирқим миқдори, сифати ва ўз навбатида қўйларнинг тирик вазни ҳам камаёди.

Шундай қилиб юқоридаги илмий-услубий манбаладан кўриниб, турибдики қорақўл қўйларининг жун маҳсулотини конституцинол типига қараб селекциялаш етарли даражада ўрганилмаганлиги сабабли, биз ҳар хил конституционал типдаги қўйларнинг жун маҳсулдорлигини “Сарибел” қорақўлчилик наслчилиқ хўжалигида ўрганишни лозим топдик.



1-расм. Тажриба отаридаги қўзили совлиқлар суруви

II. ТАДҚИҚОТЛАРНИ БАЖАРИШ ШАРОИТИ ВА ҚЎЛЛАНИЛГАН УСЛУБИЯТЛАР

2.1. Тадқиқотни бажариш шароити

Навоий вилояти Конимех туманида жойлашган “Сарибел” наслчилик ширкат хўжалиги Ўзбекистон қишлоқ хўжалик вазирлигининг 26 август 1957 йилдаги № 318-К буйруғига асосан Бешработ массивидаги чорва фермалари асосида ташкил топган. Унинг маркази “Янги ғазғон” деб белгиланган.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 28 апрел 1976 йилдаги №208 буйруғига асосан, аввалги “Коммунизм” ҳозирги “Сарибел” совхозига “Давлат наслчилик заводи” мақоми берилган. 1980 йили заводнинг №3 фермаси асосида “Комсомолобод” совхозида ташкил қилинган. 1992 йилнинг августида “Коммунизм” наслчилик заводи “Сарибел” деб номланган. 1994 йил “Сарибел” уюшмага 1999 йил март ойидан бошлаб “Сарибел” наслчилик ширкат хўжалигига айлантирилган.

Хўжалик ташкил бўлган йиллардан бошлаб сур рангли қорақўл териларга ички ва айниқса ташқи бозорларда талаб тез ўса бошлади. Қора рангли қорақўлга нисбатан сур рангли терилар нархи 1.5 баровар ошганлиги сур қўйларини урчитишга ката туртки бўлди.

Сур қўйларни урчитиш учун етарли илмий усул, ишланма ва таклифлар борлиги хўжаликларга катта фойда берди.

“Сарибел” хўжалиги ташкил бўлганда(1957 йил) 70 мингдан кўпроқ қўй бўлиб уларнинг 95 % дан кўпроғи қора ранга мансуб бўлиб, дурагай ва паст синфли қўйлар 40 % дан кўпроғини ташкил қилган.

Хўжаликнинг иқтисодини яхшилаш мақсадида 1961 йили Оёқ-оғитма тажриба станциясидан 50 бош ва 1969 йили Бухоро вилоятининг колхозларидан 150 бош сур қўчқорлар келтириб сурчилик билан шуғулланишга асос солинган эди. Келтирилган сур қўчқорлар билан

хўжаликдаги қора рангли қўйлар сунъий усулда уруғлантириш йўли билан уларнинг ирсий таъсирини оширишга эришилган. Натижада қора рангли гетерозигат қўйлар йилдан – йилга кўпайиб уларни сур қўчқорлар билан уруғлантириш асосида сур қўзи олиш имкони яратилган. Ранг бўйича ҳар хил жуфтлаш, яъни гетерозигат қора рангли қўйлар (сур қўчқорлардан туғилган) сур қўчқорлар билан жуфтлаштириш туфайли 50 фоизгача сур қўзи олиш имконига эришилган эди.

Сур рангли қўйлар кўпайиши билан сур ранг бўйича бир хил жуфтлашга ўтиш туфайли сифатли, сурлик даражасининг ифодаланиши ва жун толаси сифати яхши қўзилар йилдан-йилга кўпайиб уларнинг орасидан насли қўчқорларни танлаш имкони туғила бошлаган. Бир йўла паст синфли ва дурагай қўйларни сурувдан чиқариш ишлари ҳам олиб борилган натижада 1961 йил хўжалик 1.2 % сур тери этиштирган бўлса, 1980 йилга келиб сур терилар 99,4% ташкил қилган.

“Сарибел” наслчилик ширкат хўжалиги 1976 йили наслчилик завод тоифасига ўтказилган. Шу билан бир вақтда хўжалик Бухоро сури қоракўл қўйларининг ясси гул типини урчитишга ихтисослаштирилган эди. Юқорида айтилганидек ўтган даврда хўжаликдаги қўйларни 99.4 фоизи сур рангга мансуб бўлишига эришилган. Ҳар йили паст синфли ва қорасур қўйларини сурувдан чиқариш натижасида уларни 40 фоиздан 18-20 фоизга тушишига эришилган.

Насли сур қўчқорларни танлашга эътибор йилдан йилга ошиши натижасида уларнинг сифати яхшиланиб, уларнинг 70 фоизи элита ва 1-синфга мансуб. Яна бир муҳим ютуқ бу хўжаликдаги сур қўйларнинг 70-80 фоизи кумушсур рангбарангликда бўлишидир. Ясси гулли қўйлар селекциясига алоҳида эътибор берилиши ва ясси гулли сур қўчқорларидан сунъий уруғлантириш усулидан унумли фойдаланиш ясси гулли қўйларнинг хўжалик сурувида 30-35 фоизни ташкил қилишга олиб келган.

Умуман олганда, “Сарибел” наслчилик ширкат хўжалигидаги Бухоро зот типигаги сур қорақўл қўйларининг ўзига хос юқори маҳсулдор ясси гулли кумуш рангбарангликдаги генафондига айланган.

Эндиги вазифа 2012-2014 йилларда еришилган селекцион ютуқларни мустаҳкамлаб, мақсадли жуфтлаш асосида қорақўл қўйларининг маҳсулдорлик ва наслий хусусиятларини такомиллаштириш, зот типига мансуб қўйларни сифатий ва миқдорий жихатдан ривожлантириш талаб қилинади. Натижада хўжаликда қорақўл қўйларидан олинган маҳсулотларнинг экспорт боплиги ошади, қўйларнинг сифати яхшиланади ва хўжаликнинг самарадорликнинг янада юқори бўлишига сабаб бўлади.

2.2. Хўжаликнинг табиий, иқлим ва яйлов шароити

Хўжаликнинг умумий ер майдони 159861 гектар бўлиб шулардан 159783 гектари табиий яйловлардир. Умумий ер майдонининг 120 000 га бутазор ва саксовулзорлар ташкил этади. “Сарибел” наслчилик ширкат хўжалиги Навоий вилояти Конимех туманида жойлашган. Унинг шимол қисмида “Қизилқум”, шарқида “Оёқ-қудуқ”, жанубида “Саржал”, “Ўзғон” ва ғарбида “Қизилча” ҳамда Абай номидаги ширкат хўжаликлари жойлашган.

Иқлим шароити кескин ўзгарувчан, ёзда ниҳоятда иссиқ ва қуруқ, қишда совуқ хавоси билан фарқ қилади. Хавонинг ўртача йиллик ҳарорати 15-16С. Энг иссиқ ой июл, бу ойда ҳарорат 44-46С бўлиши мумкин. Декабрь ойининг охири ва январ ойи энг совуқ давр ҳисобланади. Бунда ҳаво ҳарорати -2С дан то -28С гача бўлиши кузатилган. Хавонинг намлиги ўртача 30% бўлиб, ёзда 10% гача бўлиши мумкин. Йиллик ёғингарчилик ўртача 160-170 мм, унинг энг кам миқдори 80-90 мм ва юқориси 280-300 мм бўлиши кузатилган.

Хўжаликнинг яйлов ҳосилдорлиги турли хил бўлиб, ўртача 2-3 ц.ни ташкил қилади. Хўжаликда асосан эфемер, бута ва ярим бута озубопп яйлов ўсимликлари кўп учрайди.

Илок - Ҳилолдошлар оиласидан, кумсевар илдизпояли эфемероид, бўйи 15-25см. У кучли ва кам ривожланган кумлар, кум тепаликлар орасидаги текисликлар, кумли тупроқларнинг шўрланмаган майдонларида кенг тарқалган. Кумни мустаҳкамловчи ўсимлик, унинг илдизлари тупроқнинг юза қисмида кучли ривожланган. Февралнинг охиридан майсалай бошлайди. Куз серёмғир, илиқ келса, октябрь-ноябрь ойларида ҳам кўкаради, мартда гуллайди, апрелда уруғ беради. Кумли яйловларнинг барча зотли моллари учун ўта муҳим баҳорги кўкат ҳисобланади Қуруқ хашаги ҳам тўйимли озуба. Баҳорда илок пичанида (гуллаш даври) 14,1% протеин, 2,7% ёғ, 48,8% АЭМ ва 24,1% клетчатка бор. 100 кг пичанида 94 озуба бирлиги сақлайди.

Ялтирбош – Ғалладошлар оиласига мансуб, бўйи 15-40 см келадиган бир йиллик ўт. Зичлашган кумлар, бўз тупроқлар ва кўнғир-бўз тупроқларда кенг тарқалган. Февраль-мартда униб чиқади, апрелда гуллайди ва уруғ беради. Кўкат ҳолида ҳам қуриганида ҳам чорва моллар учун яхши озуба. Уруғ тугиш даврида пичани таркибида 17,5% протеин, 3,6% ёғ, 45,0% АЭМ, 8,5% кул моддалари ва 25,27% клетчатка сақлайди. Тўйимлилиги 92,3 озуба бирлигига тенг. Кумли, гипсли чўл яйловлари маҳсулдорлигини оширишда истиқболли фитомелиорант.

Кўнғирбош – Ғалладошлар оиласига мансуб, бўйи 15-35см, эфемероид. Турли-туман тупроқ, экологик шароитларда (гипс, бўз, шағалли тупроқларда, тоғ этаклари) кенг тарқалган тур. Эрта баҳорда майсалайди, апрель майда гуллайди ва уруғлари пишади. Уруғи кўнғир пиёзча, шунинг учун ҳам уни кўнғирбош деб аташган.кўкат ҳолида ҳам, қуригандан кейин ҳам чорва молларининг тўйимли хуш кўриб ейилувчи озуба ҳисобланади. Унинг пичани таркибида 10,1% протеин, 1,5% ёғ, 4,4% АЭМ ва 35-40%

клетчаика сақлайди. 100 кг пичанида 64,6 озука бирлиги бор. Табиий яйловлар маҳсулдорлигини оширишда истиқболли фитомелиорант.

Арпағон - Ғалладошлар оиласидан, бўйи 10-25см, эфемер. Қум ва бўз тупроқли майдонларда ўсади. Март-апрелнинг бошларида кўкариб чиқади май ойида уруғлари пишади. Уни чорва моллари кўклигида ҳам қуриганидан кейин ҳам яхши ейди. Об-ҳаво қулай келган йиллари ундан хашак жамғариш мумкин.

Читир- Крестгулдошлар оиласига мансуб, бўйи 10-50, эфемер, Ўзбекистонда читирлар туркумига кирадиган ўсимликларнинг 14 тури мавжуд. Читирлар чўлларда турли-туман тупрок шароитларда ўсади, аксарият адир ва тоғ олди яйловларида кенг тарқалган. Читирлар орасида энг тўйимлиси ва ҳосилдори оқ. читирдир. Оқчитирлар март ойида майсалайди, апрель-майда гуллайди, май-июнда уруғи пишади. Оқчитирни барча турдаги чорва моллари хуш кўриб ейди. Пичани эса ўта тўйимли бўлиб, ундан озиқланган моллар тез семиради. Оқчитир пичани таркибида 24.2% протеин ва 22,6% клетчатка мавжуд. 100кг пичанида 96,2 озука бирлиги бор. Сернам йиллари чорвадорлар кўплаб читир хашаги ғамлайдилар. Читирлар яйловлар маҳсулдорлигини оширишда ҳам истиқболли ўсимликлар ҳисобланади.

Нўхатак – Дуккакдошлар оиласидан, бўйи 10-40см келадиган бир йиллик ўт. У бўз, қўнғир - бўз, тупроқларда зичлашган қумларда ўсади. қоракул қўйлари, эчки, қорамолларнинг тўйимли озиғи. Уни чорва моллари кўкат ҳолида ҳам, пичан ҳолида ҳам яхши истеъмол қилади. Нўхатак пичани таркибида (уруғ тугиш даврида) 22,37% протеин, 2,65% ёғ, 49,8% АЭМ, 10,36% кул моддалари ва 14,9% клетчатка мавжуд.

Ранг, қорабош - Ҳилолдошлар оиласига мансуб эфемероид бўйи 6-25см. Соз, қумоқ, механик таркибли бўз тупроқларда тарқалган ўсимлик. Ранг тупроқнинг юқори қатламини бутунлай қамраб олади. Эрта баҳор (куз) майсалайди, апрель ойида гуллайди, майда уруғлари пишади.

Бошоғи кўнғир қорамтир тусда бўлгани сабабли қорабош номи билан ҳам аталади. Барча зотли чорва- моллари, бутун йил давомида хуш кўриб ейувчи озуқа. Ранг пичани таркибида 19% протеин, 4,5% ёғ, 46% АЭМ ва 20,5% клетчатка бор. 100 кг пичани таркибида ёзда 51,7 озуқа бирлигига эга.

Бир йиллик шўра ўтлар.

Балиқ кўз - Шўрадошлар оиласига мансуб бир йиллик ширали шўра ўт. Ўсимликнинг бўйи 20-60см. Барглари этли, ширали, яримяссимон, кўнғир ҳаворанг тусда. Тақирсимон, кўнғир-бўз, турли даражада шўрланган қумлар. Шўрхок майдонлар атрофларида ўсади. У март ойида униб чиқади. Июль август ойида гуллайди, уруғлари сентябрь-октябрда пишиб етилади. Балиқкуз куз ва қишда қўй ва туялар учун яхши озуқа ҳисобланади. Бошқа бип йиллик шўра ўтлар қатори балиқкуз қочириш даврида муҳим озуқа ҳисобланади. Балиқкуз пичани таркибида 6,6% протеин, 5,6% ёғ, 19,3% АЭМ ва 18,9% клетчатка бор. 100 кг пичани баҳорда 23, ёзда 47, кузда 36 ва қишда 30 озуқа бирлигини сақлайди. Шўрхок тупроқли яйловлар, гипсли чўл яйловлари маҳсулдорлигини оширишда истиқболли тур.

Донашур - Шўрадошлар оиласидан, паст бўйли бир йиллик ширали шўра ўт. Тақирлар ва шўрланган тупроқларда ўсади. Пояси тик, асосидан шохланган кўлранг тусда. Пастки барглари ясси, устки барглари навбатлашиб жойлашган, этли, икки томони ва тукчалар билан қопланган. Донашур март ойида униб чиқади, май-июнда гуллайди, уруғлари анча эрта (август-сентябрь пишиб етилади). У қўй ва туялар учун куз ва қиш ойлари давомида ейилувчан озуқа ҳисобланади. 100 кг қуруқ пичанида 34 озуқа бирлиги бор. Шўрланган яйловлар маҳсулдорлигини оширишда истиқболли тур.

Ярим буталар

Оқ шувок— (ёвшон, жусан) — бир йиллик новдалари кўнғир яшил рангли, барглари майда, кучли қирқилган. Поя ва барглари оқ тукчалар билан қопланганлиги сабабли, уни оқ шувок ҳам деб аташади. Оқ шувок пичани уруғ бериш палласида қуйидаги озуқа таркибига эга. Протеин 8,0%, ёғ —

5,5%, АЭМ-35,2%, кул моддалари 6,7% ва клетчатка 45,4%. 100 кг пичани таркибида йил мавсумлари бўйлаб 66-18 озуқа бирлигига (ўртача 31 озуқа бирлиги) эга.

Изен– Шўрадошлар оиласига мансуб ярим бута. Бўйи 30-85 см. изен 3 экотипга ажратилади: қумли, шағалли ва соз тупроқли. Қумли изеннинг новдалари оқиш рангдаги туклар Билан қопланган. Баргчалари кичикроқ Қизилқум, Муюнкун ва бошқа қумли чўлларда ўсади. Қумли ва қумоқ чўл яйловларини яхшилашда истиқболли ўсимлик. Шағалли ёқитошлоқ тупроқли изеннинг новда ва барглари яшилроқ рангли, тўпланган. Адир ва тоғ олди ҳудудларининг шағалли, тошлоқ майдонларида турли механик таркибдаги бўз тупроқларда тарқалган. Чўл ва адирлар шароитида яйлов агрофитоценозлар барпо этиш учун ўта муҳим фитомелиорант.

Соз тупроқли изен очиқ сариқ, баъзан кизғиш рангдаги новдалардан иборат бўлиб, тукланиш даражаси бирмунча камлиги Билан фарқланади. Табиий ҳолда соз тупроқли тоғ олди майдонларида ва шўрланган тупроқларида тарқалган. Изен март ойида кўкаради, ён шохчалар, новдалар ҳосил қилиб, эрта баҳордан кеч кузгача узок вақт кўкат ҳолида бўлади. Май-сентябр ойлари гуллайди, уруғлари сентябр-октябр ойларида пишади.

Шувоклар – Мураккабдошлар оиласига мансуб ярим бута, хашакбоп ўсимликлардир. Бўйи уларнинг турларига қараб 20-100 смга етади. Чўлларнинг барча типларида турли-туман тупроқ шароиталарда кенг тарқалган тур. Илдиз системаси асосан тупроқнинг юза қисмида (0,6-1,2 метр) тарқалган. Февралнинг охири мартнинг бошларида кўкаради ва харорат кескин кўтарилиши ва тупроқда нам камайиши Билан (июн-август ойларида) ўсишдан тўхтади. Сентябрдан бошлаб ўсишни давом эттиради. Сентябрнинг охирларида гуллайди, уруғлари ноябрда пиши етилади.

Шувокларни чорва моллари асосан куз ва қиш мавсумларида хуш кўриб ейди. Шувокзор қоракўл тери сифатини яхшилашда муҳим аҳамият

касб этади. Шувоклар кузги-қишки ва йил давомида фойдаланиладиган яйловлар барпо этишда муҳим хашакбоп ўсимликлардир.

Харидандон, Бузоқбош – Шўрадошлар оиласига мансуб бир йиллик шўра ўт, бўйи 25-30см. Шўрхоқлар, тақирлар ва бошқа шўрланган тупроқларда ўсади. Барглари чизикли, узунлиги 4-5см, ширали, этли, зич жойлашган тукчалар билан қопланган. Апрель-октябрь ойигача кўкаради, сентябрь-октябрда уруғ беради.

Ўсиш даврида чорва молари харидандонни деярли емайди: куз ва қиш мавсумларида қўйлар ва туялар уни яхши ейди, семиртирувчи озуқа ҳисобланади. Уруғ бериш палласида харидандон пичани таркибида 7,1% протеин, 2,5% ёғ, 34% АЭМ ва 21,4% клетчатка бўлади. 100кг пичанидаги озуқа бирлиги қуйидагича ёзда 47, кузда 36, қишда 30. Шўрланган яйловлар ва тақирларнинг маҳсулдорлигини оширишда.

Оқ саксовул– Шўрадошлар оиласига мансуб 3-4 м баландликдаги дарахтсимон бута, у қора саксовулдан фарқ қилиб қумларда тарқалган ва танасининг оқ пўст билан қопланганлигидадир.

Қўй, эчки ва туялар куз ва қиш мавсумларида унинг юмшаган новдаларини, уруғини яхши ейди. Оқ саксовулнинг пичанида 3,0-10,0% протеин 25,0-40,0% АЭМ ва 13,0-16,0%. клетчатка мавжуд. 100 кг пичанида 53 озуқа бирлиги бор. Оқ саксовулдан қумли майдонларни мустаҳкамлашда, яйловлар маҳсулдорлигини оширишда кенг фойдаланилади.

Қизил қандим – Торондошлар оиласига мансуб, бўйи 1,5-2,5 метргача бўлган дарахтсимон бута, Қизилқандим кучувчан ва кам зичлашган қумларда кенг тарқалган. Мартнинг иккинчи ярми - апрелнинг бошларида кўкара бошлайди, майнинг биринчи ун кунлигида гуллайди, июннинг охирида уруғлари пишади. Бир йиллик новдалари баҳор ва ёз ойлари яхши ейилади. Қандимнинг пичани таркибида гуллаш даврида 12,5% протеин, 1,1% ёғ, 34,4 АЭМ, 19,4% кул моддалари ва 30,0% клетчатка мавжуд. 100 кг пичани йил мавсумига қараб 37-59 озуқа бирлигига эга. Қумли яйловлар

махсулдорлигини ошириш, кучувчан қумларни мустаҳкамлашда фойдаланилади.

Қизилча боржоқ— зағозадошлар оиласидан, бўйи 1,5-2 метрга етадиган, кучли шохланган, доимий яшил бута. Аксарият қумли чўлларда тарқалган бўлиб, юзаси қумоқлашган гипсли тупроқларда ҳам учрайди. Вегетатив усулда кўпаяди, бир асосий илдизпоя атрофида ёрдамчи илдизлар воситасида бир талай Янги новдалар вужудга келади. Чорва моллари уни йилнинг барча мавсумларида фойланадиган озуқа ҳисобланади. Гуллаш давридаги озуқанинг қиймати қуйидагича: протеин – 16,8%, ёғ – 3,7%, АЭМ – 31,6%, кул моддалари – 9,6%, клетчатка 30,4%. 100 кг пичанида баҳор пайтида 73,6 озуқа бирлиги бор. У қумларни мустаҳкамлашда, чўл минтақаси учун манзарали ўсимлик сифатида истиқболли.

Сингрэн— Дуккакдошлар оиласидан, бўйи 70-120 см бутача. Қумли ва гипсли чўлда тарқалган. Марказий Осиё қумли чўлларининг эндемиги. Поялари йўғон, сершоҳ, очикранг тукчалар Билан қопланган. Март ойида кўкаради, апрель-майда гуллайди, уруғлари июнда пишади.

Чорва моллари унинг бартчалари, гуллари дуккаклари ва бир йиллик новдаларини истеъмол қилади. Юқори тўйимли озуқа: ғунчалаш даврида пичани таркибида 19,8% протеин, 2,56% ёғ, 10,4% кул моддалари, 32,5% АЭМ ва 26% клетчатка сақлайди. Тўйимлилиги: 100 кг пичанида баҳорда 61 ва кузда 32 озуқа бирлиги бор. Қумли чўллар маҳсулдорлигини оширишда истиқболли фитомелиорант.

Дағал пояли ўсимликлар.

Янтоқ — дуккакдошлар оиласига кирувчи, буйич 50-130 см атрофидаги кўп йиллик ўсимлик. Ўзбекистонда янтоқнинг 4 та тури бўлиб, улардан энг кўп тарқалгани ёлғон янтоқдир. Янтоқ кам шўрланган, нам Билан таъминланган майдонларда, дарёлар узанларида, паст текисликларнинг ер ости сувлари яқин жойлашган майдонларида кўпроқ тарқалган. Унинг кучли риволанган илдизи ер ости сувлари тарқалган тупроқ қатламларигача етиб

боради. Пояси сершоҳ, новдалари силлиқ, туксиз уткир бурчакли тик ўсувчан. Барглари тухумсимон чўзиқ, тиканчаларининг узунлиги 1-3 см бўлиб, ўзгарган новдлара ҳисобланади. Апрельда кўкаради, июн-августда гуллайди, уруғлари сентябр-октябрда пишиб етилади. Янтоқ чорва моллари учун тўйимли озуқа ҳисобланади, айниқса қорақўл қуйлари учун қишқи хашакдир. Гуллаш даврида пичани таркибида 12,6% АЭМ мавжуд. 100 кг пичанида 33,5 озуқа бирлигига эга. Янтоқлар шифобахш ва шакар йиғувчи, ҳамда асаларичиликда қўлланилувчи ўсимликлар сифатида ҳам диққатга сазовор. Яйловлар маҳсулдорлигини оширишда қўлланиладиган истиқболли ўсимлик.

Каррак оқ каррак -Мураккабдошлар оиласига мансуб, буйи 40-60 см, намгарчилик йиллари 1 метргача етадиган икки йиллик ўсимлик. Адирлар ва тоғ этакларида энг кўп тарқалган. Барглари қирқилган, учи тиканли, остки томони оқ тукчалар билан қопланган. Ҳар йили тўпбарглар ҳосил қилади, қулай шароит бўлгач, поя чиқаради ва гуллар шу билан қурийди. Май ойида гулга киради, июнда уруғлари пишди.

Ўсиш даврида карракни фақат туялар истеъмол қилади, бошқа чорва моллари эса фақат пичанини янчилган ҳолида ейди. Шоналаш даврида каррак пичанида 9% протеин, 44% клетчатка ва бошқа зарур моддалар сақлайди. Каррак қорақўлчилик ҳудудлари учун қиш ойлари мобайнида қўшимча озиқлантиришга мўлжалланган озуқа тайёрлашда муҳим манбаа ҳисобланади.

Селин— Бошоқдошлар оиласидан, буйи турига қараб 40-60 смдан 80-150 смгача етадиган, чим ҳосил қилиб ўсувчи кўп йиллик ўтчил ўсимликлар. Урғочи ва нар селинлар қумли чўлларда кенг тарқалган. Илдиз системаси ён томонларга кучли ривожланган, иккаласининг ҳам биологик хусусиятлари одатда кескин фарқ қилмасда, тўйимлик жиҳатдан урғочи Селин бироз устунроқ. Урғочи селиннинг барглари ингичка, қаттиқ лентасимон, бутун илдизи олдидан ўсиб поясини нов ҳолида ўраб туради. Илдизи чим ҳосил қилиб, диаметри 0,5-1,0 смга етади. Эрта баҳордан ёзнинг ўрталаригача

майсалайди, май ойида гуллайди, уруғлари июлда пишади. Ўсиш даврида ейилувчанлиги юкори эмас, ундан тайёрланган пичанни барча турдаги чорва моллари яхшироқ ейди. Унинг пичанининг озуқавий қиймати: протеин 3,7%, клетчатка 44% борлиги аниқланган. 100 кг пичанида 34,5 озуқа бирлиги сақлайди. Кўчувчан қумларни мустаҳкамлашда муҳим фитомелиорант.

Каврак – Соябонгулдошлар оиласига мансуб, буйи 100-120 смга етадиган монокарпик (ҳаётида бир марта гуллаб мева берадиган) кўп йиллик ўсимликдир. Каврак баҳорда кўкариб, фақат илдизи олди барглар ҳосил қилади. Барглари йилдан-йилга катталашиб боради, илдизи эса йўғонлашиб кўп миқдорда озуқ моддалар тўплайди. У ҳаётининг 7-13 йиллари поя ҳосил қилади ва гуллайди.

Уруғ бериш палласига кирган йили баргларининг узунлиги 50-60 см, диаметри 1 метргача етади. Маар-апрел ойларида гуллайди. Генератив новдасининг учида сариқ рангли мураккаб соябончали тўпгул ҳосил қилади, уруғлари май-июн ойларида пишади. Кавраклар кўкат ҳолида деярли ейилмайди. Пичан ҳолида истеъмол қилинади. Каврак уруғида 14-19% протеин, 8% ёғ, 37-47% АЭМ ва 23-27% клетчатка бор. Каврак поясидан чиқадиган чирк «асафетида»дан шарқ тиббиётида фойдланилади, илдизидан каврак крахмали олинади. Адир ва тоғ олди яйловларини бойитишда қўлланилиши мумкин.

Хўжаликда кейинги йиллар мобайнидаги ердан фойдаланиш, ем-хашак тайёрлаш, чорва мол бош сони, чорва молларининг пода структураси, маҳсулот ишлаб чиқариш, маҳсулотни соти ва маҳсулот ишлаб чиқаришнинг таннархи уаман олганда молиявий аҳволининг таҳлили қуйидаги жадвалларда келтирилмоқда.

1-жадвал**Хўжаликда ердан фойдаланиш,га**

Кўрсаткичлар	Га	%
Жами ер майдони	159861	100
Яйлов	159783	99.95
Шу жум.саксовулзорлар	120.000	75.1
Аҳоли яшайдиган худудлар	78	0.049

Жадвал ма'лумотларидан кўриниб турибдики хўжаликнинг жами ер майдони 159861 гектар булиб шундан 159783 гектари яйловлардан иборатдир бу эса хўжаликнинг умумий ер майдонининг 99.95% ни ташкил қилади. Хўжаликнинг яйловининг 75.1% ни тбийй бутазор ва саксовулзорлар ташкил қилади. Хўжалик яйловининг олдинги майдонининг кўп қисми Айдаркўл кўлининг сув ҳавзасида сувнинг кўпайганлиги туфайли сув остида қолиб кетган

2-жадвал**Хўжаликда ем-хашак тайёрлаш.**

Озиқ а тури	Ўлч ов бирлиги	Йиллар		
		2012	2013	2014
Дағал хашак	Ц	88150	54380	3492 6
Ому хта ем	Ц	7445	2337	1559 4

Юқоридаги жадвал маълумотларида кўриниб турибдики, хўжаликда 2012 йилда 88150 центнер дағал хашак тайёрланган бўлиб, 2013 йилда 2012 йилга нисбатан 33770 центнер кам дағал хашак, 5108 центнер кам концентрат озуқа тайёрланган. 2014 йилда эса 2012 йилга нисбатан 53224 центнер дағал хашак кам жамғарилган бўлиб, концентрат озуқа етиштириш 2012 йилга нисбатан 8149 центнер кўп жамғарилган. Бу йилнинг қурғоқчил келганлиги натижасида яйловлар ҳосилдорлигининг паст бўлганлиги билан изоҳлаш мумкин.

3-жадвал

Хўжаликда чорва мол бош сони.

Кўрсат кичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар		
		2012	2013	2014
Жами қўйлар	Бош	76000	73493	34844
Отлар	Бош	171	185	201
Туялар	Бош	186	198	212

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики хўжаликда чорва моллар бош сони йилдан йилга ўзгариб борган 2012 йилда 76000 бош қўй бўлган бўлса 2013 йилда қўйлар 73493 минг бош ёки 2012 йилга нисбатанган 2507 бошга, 2014 йилда 2012 йилга нисбатан 41156 бош га камайган. Бу 2012-2013 йил қишловининг ноқулай келиши сабабли табиий офат юз берганлиги туфайли юз берган. От ва туялар бош сони йилдан йилга кўпайиб, 2014 йилда 2012 йилга нисбатан отлар 30 бошга, туялар эса 26 бошга кўпайган.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, хўжалик чорва молларининг асосий қисмини совлиқлар ташкил этиб, 2012 йилда жами қўйларнинг 60,5 %, 2014 йилда 45,7 % ни ташкил қилган. Хўжаликда

4-жадвал

Хўжалик сурувининг таркиби

Кўрсаткичлар	Йиллар		
	2012	2013	2014
Жами қўйлар;	76000	73493	34844
Шу жумладан: Она қўйлар	46000	25065	15928
Жами ўстиришга қолдирилган қўзилар	35200	11040	12085
Ўстиришга қолдирилган урғочи қўзилар	16395	3349	5123
Наслли қўчқорлар	2906	1968	1474

наслли қўчқорлар жами қўйларнинг 2012 йилда 4,1 %, 2014 йилда эса 0,42 % ни ташкил қилган. Ўстиришга қолдирилган урғочи қўзилар 2014 йилда жами қўйларнинг 32.1 % ни ташкил этган.

5-жадвал

Хўжаликда чорва моллари маҳсулдорлиги

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар		
		2012	2013	2014
100 бош қўйдан олинган қўзи	бош	100	96	98
1 бош қўйдан олинган жун	ц	1,52	1,48	1,51
1 бош қўйнинг тирик оғирлиги	ц	38	39	44

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики хўжаликда 2012 йилда 100 бош қўйдан 100 бош қўзи олинган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 96 бошни, 2014 йилда 98% бошни ташкил қилган. Бир бош қўйдан жун қирқиб олиш 2012 йилда 1,52 кг ни ташкил қилган бўлса, 2013

йилда 1,48 кгни ёки 2012 йилга нисбатан 0,04кг кам жун қирқиб олинган. 2014 йилда эса бир бош қўйдан 1,51 кг ёки 2012 йилга нисбатан 0,01кг кам жун қирқиб олинган. Бир бош қўйнинг тирик вазни 2012 йилдан бошлаб 2014 йилгача 6 кггача кўпайиб борган.

6-жадвал

Хўжаликда маҳсулот ишлаб чиқариш

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар		
		2012	2013	2014
Қорақўл тери	дона	10800	14025	1103
Жун	ц	1182	355,7	375,4
Гўшт	ц	2145	1540	2314
Ширдон	дона	8000	7450	1000

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики хўжаликда 2012 йилда 10800 дона қорақўл тери ишлаб чиқарилган бўлса, 2013 йилда 14025 дона ёки 2012 йилга нисбатан 3225 дона қорақўл тери кўп ишлаб чиқарилган, 2014 йилда эса 1103 дона қорақўл тери ишлаб чиқилиб, 2012 йилга нисбатан 9697 дона кам қорақўл тери ишлаб чиқарилган. Бу хўжаликда табиий офат туфайли чиқимга чиққан қўйларнинг ўрнини тўлдириш учун қўзиларнинг қорақўл терига сўйилмаганлиги билан тушинтириш мумкин. Хўжаликда жун, гўшт ва ширдон ишлаб чиқариш кўрсаткичи 2013-2014 йиллар мобайнида камайиб борганлиги кузатилади.

7-жадвал

Хўжаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш.

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар		
		2012	2013	2014
Қорақўл тери	дона	10745	13998	1094
жун	ц	1182	352,7	374,3
гўшт	т/в, ц	2145	1540	2314
ширдон	дона	8000	7445	1000

7-жадвал маълумотлардан кўриниб турибдики хўжаликда 2012 йилда 10745 дона қорақул тери сотилган бўлса, 2013 йилда 2012 йилга нисбатан 3253 дона кўп сотилган. 2014 йилда эса 2012 йилга нисбатан 9651 дона қорақул тери кам сотилган бунга сабаб хўжаликда табиий офат туфайли камайган қўйларнинг бош сонини тўлдириш мақсадида қўзилар тери учун сўйилмаган ва натижада кам сотилган.. Шунингдек жун, гўшт ва ширдон ишлаб чиқариш ва сотиш кўрсаткичлари ҳам йилдан йилга камайиб борган.

8-жадвал

Хўжаликда маҳсулотни сотиш баҳоси

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар		
		2012	2013	2014
Қорақул тери	Минг сўм	20052	10000	22500
Жун	ц	62510	75000	100000
Гўшт (тирик вазнда)	ц	270220	301610	610131
Ширдон	дона	500	800	1500

Юқоридаги 8-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, хўжаликда ишлаб чиқарилган 1 дона қорақул тери 2012 йилда 20052 сўмга, 2013 йилда эса 10000 сўмга 2014 йилда 22500 сўмга сотилган. Ушбу ҳолатни 2013 йилнинг қиш фасли оғир келиб табиий офат туфайли мажбурий сўйилган ёки ўлган қўйлардан олинган ҳомила терилари бўлганлиги сабабли паст баҳога сотилганлиги билан изоҳлаш мумкин.

9-жадвал

Хўжаликда маҳсулот ишлаб чиқариш таннари,сўм

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар		
		2012	2013	2014
Қорақул тери	дона	13688,8	16018,5	17256,5
жун	ц	40165	45074	64252
гўшт (тирик вазнда)	ц	320885	575688	730775

Юқоридаги 9-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, хўжаликда ишлаб чиқарилган 1 дона қоракўл терининг таннархи 2012 йилда 13688,8 сўм, 2013 йилда 16018,5 сўм бўлди. 2014 йилда эса бир дона қоракўлнинг таннархи 17256,5 сўмни ташкил қилган.

2012 йилда хўжаликда жун ишлаб чиқариш таннархи 1 ц жун учун 45165 сўмни, 1 ц гўшт учун 320885 сўмни ташкил қилган. Хўжаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархнинг йилдан-йилга кўтарилиши кузатилади бу ёқилғи мойлаш маҳсулотлари нархининг ошиб борганлиги билан изоҳлаш мумкин.



2-расм. Жун қирқимиға тайёрланган сурув.


Хўжаликнинг ишлаб чиқариш-молиявий ҳолатини таҳлил қилиб, хулоса қилиш мумкинки, охириги йилларда чорва моллар бош сони табиий офат натижасида кескин камайиб кетган. Чорва моллар бош сонини кўпайтириш бўйича ташкилий ва зоотехникавий чоралар кўрилишини талаб қилади.

2.3.Тадқиқотни бажариш услублари

Тадқиқотларнинг тажриба қисми қуйидаги тасвирга асосан ташкил этилди.

Тадқиқотларни бажариш тасвири.

Бухоро зот типигади сур қорақўл қўйларининг “Сарибел” завод
типидаги кумуш рангбарангликдаги ясси барра типли қорақўл қўйлар
сурувининг таснифи



Тажрибалар 2014 йил баҳорги жун қирқими мавсумида, Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий тадқиқот институтининг катта илмий ходими Б.С.Маматов томонидан 2012-2014 йилларда бажарилаётган фундаментал, амалий ва инновацион илмий лойиҳаси ҚХА 9-042 асосидаги илмий тадқиқотлар ишлари билан ҳамкорликда, сур рангли, ҳар хил жун-конституционал типидagi қорақўл қўйларида ўтказилди.

Илмий- ишлаб чиқариш тажрибаси давомида ўрганилиши лозим бўлган масалалар қуйдаги усуллар ёрдамида аниқланади.

- Тажрибадаги совлиқларнинг тирик вазни қўйларни қирқиш олдида майдончали электрон тарозида аниқланади.

- Тажрибадаги қўйларнинг чап кўкраги ортидан жун толаларининг узунлиги миллиметрли темир линейкада ўлчанди.

- Ҳар хил жун-конституция типидagi қўйлардан: ғўзамой (10 бош), ок гул (10 бош), нозик(10 бош) ва қирриқ (5 бш) лаборатория таҳлили учун жун намуналари олинди.

- Қирқим микдори- тажрибадаги ҳар бир конституция типидagi қўйларнинг жун қирқими алоҳида олиниб, пахталик этақларга гутилиб электрон тарозида тортилди ва натижаси иш журнаliga қайд этилиб борилди.

- Жун копламида ҳар хил толалар микдори ва уларнинг ингичкалиги В.В.Калинин ва бошқалар (1969,1970) таклиф этган услуб асосида амалга оширилди.

- Лаборатория таҳлиллари учун жун намуналари 3-5 г микдорда олинди ва ҳар бир конституция типидagi қўйларнинг жун намуналари алоҳида қоғоз халтачаларга ўралиб қўйларнинг номерлари ёзиб қуйилди, жун намунасини олиш қуйидагича амалга оширилади: учта намунанинг ҳар бири учун учтадан бўлакчага олинади, асосий, парраллел ва контрол бўлакчалар олиш билан якунланади.

Ҳар хил жун толаларининг миқдорининг нисбатини аниқлаш усули. Жунни саноатда ишлатиш учун жун техник жиҳатдан баҳоланади. Ундаги толаларнинг ҳар хил типлари қандай нисбатда эканлиги ғоят катта аҳамиятга эгадир. Бу нисбат толаларнинг сони бўйича ёки уларнинг оғирлиги бўйича ҳисобга олинади. Жунни саноатда ишлатиш билан бўладиган амалий муаммолар унинг оғирлик кўрсаткичлари биринчи даражали аҳамиятга эгадир, чунки жунни тайёрлаш пайтида, бошлаб уни қайта ишлатишнинг бутун технологик жараёни давомида у оғирлиги ва ҳар хил типлари бўйича ҳисобга олинади. Шунинг учун толалар асосий типларининг нисбати жун товаршунослигида ҳар бир типдаги толалар массасининг оғирлик белгиси билан аниқланади.

- Жуннинг ингичкалигини микроскопда таҳлил қилиш уч асосий иш циклида аниқланди: жун намунасини танлаб олиш, толаларнинг ингичкалигини микроскоп ёрдамида ўлчаш ва олинган рақамли маълумотларга биометрик ишлов берилди.

Ингичкаликни ўлчаш учун жуннинг икки бўлакчаси асосий ва параллел бўлакчалардан фойдаланилади, контрол бўлакча заҳира сифатида хизмат қилиб, асосий ва параллел бўлакчалар бўйича ингичкаликни ўлчаш натижалари таҳлилида йўл қўйилган ҳатолар меъёрдан кўпроқ кўпроқ фарқ қилганда заҳира бўлакчаси ишлатилади.

Жуннинг ингичкалиги микроскоп ёрдамида қуйидагича таҳлил қилинди.

-ингичкаликни толалар тутамининг турли жойларидан олинган кесиклар бўйича ўлчанилди. Толаларнинг узунлиги давомида учрайдиган ингичкаликни кўп миқдордагисини ўзгарувчанликни қамраб олиш имконини беради. Оддатда кесиклар, мм узунликда, толани учта зонасидан кесиклар олиниб, кесиклар маълум миқдорда биринчи намунадан кейин 1,0-1,5, смдан кейин иккинчи намуна олинади, кейин предмет шишасидаги жун намуналарига глицерин қуйилиб, жун кесиклари шиша таёқча билан

яхшилаб аралаштирилади, сўнгра эса ёпувчи ойна билан бекитилади. Жуннинг ингичкалиги микроскоп ёрдамида ўлчанганда, микроскопнинг кўриш майдони ўзи билан жун толаси кесилган кесиклар ўртасидаги ўлчанадиган масофани ёпиб турувчи даражалар сони, махсус микрометрли шкала бўйича саналади. Микрометрли шкала ўзаро тенг бўлимларга эга бўлган шиша пипетикасидан иборат бўлиб, микроскоп окулярида жойлаштирилади, бу шкала окуляр микрометрик шкала ёки окуляр микрометри деб аталади. Микрометр билан жиҳозланган окуляр, микроскопини кўриш майдонида объектнинг ўлчов операциялари учун хизмат қилади.

-учинчи циклда жун ингичкалиги окуляр микрометр даражаларида ингичкаликни ўлчаш натижасида олинган рақамларни ёзиб олинади. Ёзиш тартиби икки хилда:

-биринчиси энг оддий усул рақамлар тартибига кўра кетма-кетлик тартибида қатор қилиб ёзилади;

- иккинчиси анча кулай усулдан иборат бўлиб, ўзгарувчан қатор туркумларига мос келувчи устунлардаги рақамлар нуқталар ёки чизиқчалар билан белгилаб қўйилади.

- Жунининг сифати №7939-79 рақамли давлат андозаси асосида баҳоланди

- Ҳар хил конституция типигаги кўйлар жун махсулдорлигининг иқтисодий самарадорлиги умумқабул қилинган услубда аниқланди

- Тажрибанинг рақамли натижалари вариацион статистик усулда (Н.А.Плохинский, 1969) қайта ишланди.

III. АСОСИЙ ҚИСМ

3.1. Бухоро зот типдаги сур қорақўл қўйларининг “Сарибел” завод типдаги кумуш рангбарангликдаги ясси барра типли қорақўл қўйлар сурувининг таснифи.

“Сарибел” наслчилик заводи Республикамиздаги 103 қорақўлчилик ширкат хўжаликлари орасида энг йирикларидан бири ҳисобланади. Хўжаликнинг ихтисослаштирилган йўналиши Бухоро сурига мансуб қорақўл қўйларини кумушсимон рангбарангликдаги яссигулли типидир. Бу йўналиш бўйича хўжалик республикада ягона ҳисобланади. 1976 йилдан бошлаб хўжаликда яссигулли сур қўйларини урчитиш бошланиб 2004 йилнинг сентябр ойида наслчилик ишларининг натижалари яқунланиб яссигулли Бухоро сурунинг кумушсимон рангбарангликдаги “Сарибел” завод типни яратилганлиги давлат апробатсия комиссияси томонидан кўриб чиқилди ва мақулланди. “Сарибел” (аввалги Коммунизм) қорақўлчилик совхозини Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 26 август 1957 йилдаги № 318-Қ буйруғига асосан Бешрабат массивидаги “Правда” “Коммунизм” “Ворошилов” “Сталин” “Жданов” “Охунбобоев” “Телман” “Каганович” номли колхозлар чорва фермалари асосида ташкил топган. Унинг маркази “Янги ғазғон” деб номланган.

Ўзбекистон қишлоқ хўжаликни вазирлиги 28 апрел 1976 йилдаги № 208 буйруғига асосан, аввалги “Коммунизм” ҳозирги “Сарибел” совхозига “Давлат наслчилик заводи” мақоми берилган. 1980 йили заводнинг №3 фермаси асосида “Комсомолобод” совхозини ташкил этилган. 1992 йилнинг августида “Коммунизм” наслчилик заводи “Сарибел” деб номланган. 1994 йили “Сарибел” уюшмага 1999 йил март ойидан бошлаб “Сарибел” наслчилик ширкат хўжалигига айлантирилган. Хўжалик ташкил бўлган йилларидан бошлаб сур рангли қорақўлтериларига ички ва айниқса ташқи

бозорларда талаб тез ўса бошлади. Қора рангли қоракўлга нисбатан сур рангли терилар нархи 1.5 баробар ошганлиги сур қўйларини урчитишга катта туртки бўлди. Сур қўйларини урчитиш учун етарли илмий усул, ишланма ва таклифлар борлиги хўжаликларга каттаб фойда берди.

“Сарибел” хожалик ташкил бўлганда (1957 йил) 70 мингдан кўпроқ қўй бўлиб уларнинг 95% дан кўпроғи қора ранга мансуб бўлб, дурагай ва пас синфлилар 40% дан кўпроғини ташкил қилган. Хўжаликнинг иқтисодий яхшилаш мақсадида 1961 йили Оёқ-оғитма тажриба стансиясидан 50 бош ва 1969 йили Бухоро вилоятининг колхозларида 150 бош сур қўчқорлар келтирилган сурчилик билан шуғулланишга асос солинган эди. Келтирилган сур қўчқорлар билан хўжаликдаги қора рангли қўйлар суний усулда уруғлантириш йўли билан уларнинг ирсий таъсирини оширишга эришилган. Натижада қора рангли гетерозигот қўйлар йилдан-йилга кўпайиб уларни сур қўчқорлар билан уруғлантириш асосида сур қўзи олиш имконини яратилган ранг бўйича ҳар хил жуфтлаш, яъни гетерозигот қора рангли қўйлар (сур қўчқорлардан туғилган) сур қўчқорлар билан жуфтлаштириш туфайли 50 % сур қўзи олиш имконини беради. Сур ранги қўйлар кўпайиши билан сур ранг бўйича бир хил жуфтлашга ўтиш туфайли сифатли, сурлик даражасининг номоёнлиги яхши ифодаланган, жун тола сифати яхши қўзилар йилдан-йилга кўпайиб уларнинг орасидан насли қўчқорларни танлаш имкони туғила бошлаган эди. Бир йўла паст синфли ва дурагай қўйларни суевдан чиқариш ишлари ҳам олиб борилган натижада 1961 йил хўжалик 1.2 % сур тери етиштирган. “Сарибел” наслчилик ширкат хўжалиги 1976 йили наслчилик завод тоифасига ўтказилади. Шу билан бир вақтда хўжалик Бухоро сури қоракўл қўйларининг ясси гул типини урчитишга ихтисослаштирилган эди.

Юқорида айтилганидек ўтган даврда хўжаликдаги қўйларни 99.4 % сур рангга мансуб бўлишига эришилган. Ҳар йили паст синфли ва қорасур қўйларини сурувдан чиқариш натижасида уларни 40 %дан 18-20 % га тушиши эришилди. Насли сур қўчқорларини танлаш этибор йилдан йилга

ошиши натижасида уларнинг синфлари яхшиланиб қалам гуллилари ва ясси гуллиларидан иборат бўлишига эришилган. Уларнинг 70 % элита синфига мансуб. Яна бир муҳим ютуқ бу хўжаликдаги сур қўйларнинг 70-80 % кумушсур рангбарангликда бўлишдир. Ясси гулли қўйлар селекциясига алоҳида эътибор берилиши ва ясси гулли сур қочқорларидан суний уруғлантириш усули орқали унумли фойдаланиш шу қўйларнинг хўжалик подасида 30-35% ташкил қилишга олиб келади.

Умуман олганда, “Сарибел” наслчилик ширкат хўжалигидаги Бухоро сур қорақўл қўйлари ўзига хос юқори маҳсулдор яссигулли кумуш рангбарангликдаги генофондига айланган. Эндиги вазифа 2010-2014 йилларда эришилган селексиён ютуқларни мустаҳкамлаб мақсадли жуфтлаш асосида наслчилик ишларини хўжалик қорақўл қўйларини маҳсулдор ва наслий хусусиятларини такомиллаштириш зот типига мансуб қўйларни сифатий ва миқдорий жиҳатдан ривожлантириш талаб қилинади. Натижада хўжаликда қорақўл қўйларидан олинган маҳсулдорларнинг экспорт боплиги ошади, қўйларни сифати яхшиланади. Булар хўжаликнинг самарадорлигини янада юқори бўлишига сабаб бўлади. Юқори маҳсулдорлик сурувларини шакллантириш ва селекция наслчилик ишлари асосида Бухоро сури қорақўл қўйларининг яссигулли завод типини яратиш босқичма босқич амалга оширилади.

Биринчи босқич (1961-1975) йиллар бу босқичда хўжаликдаги дурагай ва паст синфли қўйларни сурувдан чиқариш билан бир қаторда сурувларнинг наслий ва маҳсулдорлик хусусиятларини яхшилашга қаратилган селекция-наслчилик ишлари олиб борилган. Сурларни наслий ва маҳсулдорлик сифатини олиш учун хўжаликдаги Оёқ-оғиртма тажриба стансияси ва Бухоро вилоятидаги колхозлардан жами бўлиб 200 бош насли сур қўчқорлар келтирилиб улардан суний уруғлантиришда кенг фойдаланиш ташкил қилинган. Натижада хўжаликдаги қора рангли қорақўл қўйлар гетерозигот сурувларга айланди. Гетерозигот қора рангли қўйлар сур

қўчқорлар билан жуфтлаштирилиши натижасида сур қўзи етиштириш йилдан йилга ошиб борди.

Иккинчи босқич (1976-1990 йиллар) Бухоро зот типидagi сур қоракўл қўйларини урчитишда эришилган селекцион ютуқлар учун Қишлоқ хўжалик вазирлигининг 1976 йил 28 апрелдаги № 208 буйруғи билан хўжалик Давлат наслчилик заводи мақоми берилган. Шу буйруғга асосан хўжалик Бухоро сури кумуш рангбарангликдаги яссигулли қоракўл қўйларини урчитиш ихтисослаштирилди. Сур қўйларнинг кўпайиши натижасида бир хил (гомоген) жуфтлаш ишлари имконияти туғилган. Бу борада қоракўлчилик илмий-тадқиқот институте билан ҳамкорликда хўжаликдаги бир хил ясси қаламигул типли қочқорларни танлаш ва ўстириш бошлаб юборилган. Бу даврнинг бошида Бухоро бўлимнинг мудир, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Нарзи Раҳимович Хидирон томонидан катта услубий ва амалий ёрдам кўрсатилган. Натижада босқичнинг охирига келиб хўжаликда етиштирилаётган сур қоракўл терилар 81.7 % биринчи навли терилар салмоғи 85% етган.

Учинчи босқич (1990-2004 йилдан ҳозирги кунгача) бу даврда келиб, насли қочқорларнинг селекцион ядросини ташкил этиш ва ясси қаламигул типли қўйлардан алоҳида сурувлар ташкил этиш бўйича селекция-наслчилик ишлари кучайтирилди. Бу босқичнинг асосий хусусияти сурликнинг номоён бўлиши ва тери сатҳи бўйлаб бир текис тарқалишига қаратилган кучайтирилган селекция ишларининг олиб борилганидир. Хўжаликда қоракўл қўйларини қон алмашувини амалда бажариш учун 2002 йили “Қарақата” наслчилик хўжаликдан 50 бош сур насли қочқорлар келтирилди бу босқич охирларида сур қўйларни яссигуллари алоҳида отарларга олиниб уларни ранг ва гул типини бўйича бир хил жуфтлашлар ўтказишга эришилди. Ранг ва гул типлари бўйича бир хил жуфтлаш юқори махсулдор ва тоза генотипли яссигулли сур қочқорлар етиштириш имконини беради. Селекция жараёнида насли сур қўчқорларини танлаш, уларни ўстириш ва авлод

сифати бўйича баҳолаш, қоракўл кўзиларини банитировка қилиш ва наслчилик ишининг асослари қўлланмасига мувофиқ амалга оширилади. Асосий эътибор кумуш рангбарангликнинг намоён бўлиши, ясси қаламигул кўзилар салмоғи, жун-тола сифатига, тери мойлигига, конституциянинг мустаҳкамлигига ва бошқаларга қаратилган. Наслчилки ширкат хўжалигида ясси, бир текис кумушсимон рангбарангликдаги насли кўчқорларнинг юқори маҳсулдор суруви юритилган.

Ҳозирги кунда бундай кўчқорлар 210 бошни ташкил этиб, улардан кўйларни суний уруғлашда максимал фойдаланилмоқда. Бундай асосий эътибор келиб чиқиши маълум бўлган қимматли кўчқорларни танлаш ва улардан фойдаланишга йўналтирилган. Хўжаликда етиштирилган ва авлодининг сифати бўйича текширилган ясси типли кумушсимон рангбарангликдаги сур кўчқорлардан 1996 йилда элита синфли иккита кўчқор (№5090 ва № 2540) “Лири ва “Сарибел” линияларининг уруғбошилари сифатида танланган. Охириги ун йилликда етиштиралаётган қоракўл терилар сифати бир маромида сақланиб, уларнинг 84-90 % биринчи навга тўғри келмоқда . Анча юқори бўлган сотиш баҳоси хўжаликнинг рентабиллигини таъминлаб келмоқда. “Лири” линияси уруғбошиси №5090 рақамли кўчқор. Унинг авлодларидаги яссигулларининг жойлашиши мушқасиб асбобига ўхшашлиги сабабли шундай номланган эди. Унинг болалари орасида кумушсимон сур кўзилар 85-87% ни, яссигуллар 55-60% ни, элиталари 40% дан кўпроғини ташкил қилиши билан ажралиб турди.

Ҳозирги вақтда унинг 16 бошдан юқори маҳсулдор яссигулли кумушсимо авлоди наслчилик ишларида умумли фойдаланиб келинмоқда. “Сарибел” линияси уруғбошиси №2540 рақамли кўчқор. Унинг авлодлари ҳам юқори маҳсулдор бўлиб яссигуллар 60 % дан кўпроғини ташкил қилиши билан бирга кумушсимон сурлиги тўқроқ бўлиши, жун-тола сирати ниҳоятда юқорилиги билан фарқланиб туради. Унинг 15 бош авлоди наслчилик ишларида умумли фойдаланиб келинмоқда. “Сарибел” завод

типидаги сур қўйларнинг қимматли томони шундаки, ушбу экологик ҳудудда ва умуман республикамизда Бухоро сурининг ясси қаламигул типли “Сарибел” авлод типи ягона Ҳисобланади ва мустаҳкам ирсий хусусиятга эга. “Сарибел” наслчилик заводидаги ясси қаламигул типли сур қоракўл қўйлари олдин яратилган Нурота, Қизилқум, навоий, Свердлов, Қорақум, Озбекистон завод типларидан кумушсимон рангбарангликларнинг намоён бўлиши билан фарқланган. Сурлик даражаси 80-85 % қўзиларда яхши ифодаланган, рангбаранглиги тери сатҳи бўйлаб бир текис. Қўзилари йирикроқ бўлиб, қорқкўл терилар ўлчами катта тери қалинлиги ўртача гулларнинг очилиши дум томонга ҳайвонлар марказий қизилқумнинг ноқулай яйлов-иқлим шароитига яхши мослашган, юқори ҳаётчанлик ва оптимал қайта урчийиш хусусиятга эга. Янги яратилган қўйларнинг қимматли томони, уларнинг юқори ирсий константлигидадир-бир хил жуфтлашда сур қўзилар 98.0-99.0 % ни энг қимматли кумушсимон рангбаранглик эса 75-80% ташкил этади. Наслли отарларда элита ва биринчи синфили қўзилар ўртача 80-85 % қўзиларнинг гул ўлчами асосан ўрта ва бироз йириклашган. Ушбу сурув 2004 йилда Давлат апробатсиядан ўтказилди ва 2005 йилда сур қўйларнинг яссигул типидagi давлат потенци билан ҳимояланди (№ ЗАП 00014). Янги завод типидagi қоракўл қўйлари мустаҳкам конституцияга эга бўлиб, кумли чўлнинг ноқулай иқлимига яхши мослашган.

Ҳайвонлар йирик бўлиб, туғилганда тирик вазни 4.4-5.6 кгни, совлиқларники 45-48 кг ни, наслли қочқорларники 65-70 кг ни ташкил этади. Бир қўйдан ўртача 1.9-2.2 кг жун қирқиб олинади, 60 % териларнинг сатҳ ўлчами катта, жун қоплами кучли ипаксимонлик ва ялтироқликга эга. Гулларнинг жойлашув, сур рангининг номоён бўлиши ва рангбаранглиги бўйича бозор талабларига жавоб беради. Олиб борилган тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда қоракўл қўйларининг генофондини бойитиш, соҳанинг иқтисодий самарадорлигини кўратишга қаратилган юқори сифатли

экспортга йўнсалтирилган яссигул гуруҳидаги сур қоракўл териларини ишлаб чиқиш салмоғини ошириш учун Бухоро сур қўйларини урчитишга ихтисослашган қоракўл қўйларининг “Сарибел” завод тип ирсий салоҳиятидан кенг миқёсида фойдаланиш тавсия этилди. Селексия самарадорлигини ошириш мақсадида завод типининг салоҳиятини тизимли қўчқорлар билан бир хил жуфтлаш усулини қўллаш орқали амалга ошириш таклиф этилади.

Потент № ЗАП 00014 “Сарибелъский заводской тип каракульских овест сур плоскозавиткового типа” “Яссигулли сур рангли қоракўл қўйларининг Сарибел завод тип и” 05.05.2004.



3-расм. Оқ-гул жун конституция типидagi совлиқ

“Сарибел” завод типидagi қоракўл қўйларининг ирсий тавсифи асосида турли конституция типидagi сур рангли қоракўл қўйларининг жун махсулдорлиги ўрганиш бўйича тадқиқотлар ўтказдик.

Жун узининг механик ва физик хоссаларига яъни иссиқликни узида саклаши ва утказмаслиги, эгилувчан-лиги, чузилувчанлиги хдмда мустаҳкамлиги ва бошка технологик хусусиятларига кура бошка барча турдаги толалардан устунлик килади. Шу сабабли инсоният жундан турли

либос ва материал сифатида эрамиздан беш минг йиллар олдин фойдалана бошлаган.

3.2.Қўйларнинг тирик вазни

Қўйларнинг тирик вазн кўрсаткичи, муҳим биологик хусусиятга эга бўлиб, у қўйларнинг яшовчанлигини, мослашувчанлигини ва маҳсулдорлигини белгиловчи муҳим хусусиятдир. Турли конституция типигаги сур қорақўл қўйларининг тирик вазн кўрсаткичлари 10-жадвалда келтирилган.

10-жадвал

Қўйларнинг тирик вазни

Конституция типлари	Бош сони	$M \pm m$	δ	Қирриқ конституция типига нисбатан %
Вўза мой	10	$35,9 \pm 1,41$	6,48	102,9
Оқ гул	10	$36,4 \pm 1,33$	6,73	105,0
Нозик	10	$34,7 \pm 1,39$	6,56	100,0
Қирриқ	5	$33,6 \pm 1,29$	7,01	96,3

Юқоридаги жадвал маълумотлари қўйларнинг вазни конституция типига боғлиқ эканлиги маълум бўлади.

Нозик конституция типигаги қўйларни тирик вазни оғирлигини 100,0% деб олсак, унда қирриқ конституция типигаги қўйларда 96,3 % ни, мустаҳкам конституция типига 102,9% ни ва қўпол конституция типигаги қўйлар 105,0% ни ташкил қилади.



4-расм. Ғўзамой жун-конституция типигади совлиқ

Қоракўл қўйлари жинсий жихатдан 6-8 ойлигида вояга етса, умумий физиологик нуқтаий назардан 18 ойлигида вояга етади. Лекин ҳайвон организмнинг ривожланишнинг энг юқори нуқтаси уларнинг 3 – 4 ёшга тўғри келади, чунки бу вақтда айрим орган ва тўқималар тўлиқ шакилланган бўлади, она қорнидаги ҳомила ҳам тўлиғича (организм тараққиётига зарар келтирмасдан) озиқа моддалари билан таъминланади. Қоракўл қўйларнинг бўғозлик даври асосан қишлоқ мавсумига тўғри келади. Қоракўл қўйлари чўл ҳайвони бўлганлиги учун ҳам қишлоқ даврида ўз организмни озиқа моддалари билан тўлиғича таъминлай олмайдиган ноқулай кунлар ҳам анчагина бўлади. Ана шунинг эвазига совлиқлар вазни анча камайиб кетади.

2 ёшлиқ қўйлар вазнини камлиги бир томондан уларнинг физиологик жихатдан тўлиқ вояга етмаганлиги билан иккинчи томондан эса ташқаридан қабул қилинган озиқа моддаларининг камчиллиги учинчи томондан ҳомила ва организмнинг умумий тараққиёти учун сарфланиши билан изоҳлаш мумкин. Қоракўл қўйларини организми мураккаб бўлиб, ноқулай шароитдаги қишнинг совуқ кунларида ҳам ўзида бўлган захира моддалардан

фойдаланиши билан аҳамиятлидир. Шунинг учун ҳам биз ўз тажрибамизда ҳар хил конституция типига мансуб, бир хил рангли ва бир хил ёшда эди.

3.3. Жун толаларнинг узунлиги

Жун толаларининг узунлиги катта амалий аҳамиятга эга бўлган кўрсаткич ҳисобланади, чунки қўйларнинг жун маҳсулдорлиги бир томондан жун қопламининг қалинлигига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан жун толаларининг узунликларига боғлиқдир. Жунинг узунлиги ҳар бир бош қўйдан олинадиган жун миқдорига таъсир этади. Жунинг узун – қисқалиги қўй зотиға, ёшиға, типига, соғломлигига, асосан, боқиш ва асраш шароитига боғлиқдир. Одатда мустаҳкам жун-конституция типига қўйларнинг жуни қирриқ қўйларға нисбатан тезроқ ўсади. Қирриқ қўйлар жуни секин ўсиб, анчагина нозиклашиб қолади. Қўчқорларнинг жуни эса урғочи қўйлар жунидан узунроқ бўлади. Қўй танасининг ҳамма жойида жун бир хил узунликда ўсмайди. Қарчиғай устидаги жун, ёнларидагига қараганда узунроқ, қорнидаги жунлар эса ёнларидагига нисбатан қисқароқ бўлади.

Бизнинг ўтказган тадқиқотларимиз қўйдаги натижаларни берди.

11-жадвал

Қўйларда жун толалари узунлиги, см

Конституция типлари	Бош сони	$M \pm m$	Қирриқ конституция типига нисбатан %	δ
Вўза мой	10	$13,37 \pm 0,62$	119,7	2,86
Оқ гул	10	$14,29 \pm 0,54$	127,8	3,11
Нозик	10	$13,31 \pm 0,52$	113,2	272
Қирриқ	5	$11,07 \pm 10,52$	100,0	2,44

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, жун толаси узунлиги қўйларнинг конституция типига боғлиқ бўлиб, қирриқ типига қўйлар жун толаси узунлигини 100% деб оладиган бўлсак у ҳолда бу кўрсаткич нозик типига 113,2% ни, мустаҳкам типига 119,7% ни ва қўпол типига 127,8% ни ташкил қилди.



5-расм. Нозик жун-конституцияси типига мансуб қўзили совлиқ

Такидлаш жоизки тўртта конституция типи ичида қўпол типига жун толаси узун бўлишини кўрсатади. Жун маҳсулдорлигини ошириш учун тирик вазни анчагина оғир, ўлчамлари катта, мустаҳкам конституцияли, яхши ва кўп жун берадиган ва қоракўл тери сифати юқори қўйларни кўпроқ ўрчитиш зарур. Қўйларнинг жуни уларнинг тирик вазнига ва танасининг ўлчамларига ҳам боғлиқдир. Қўйларнинг тери сатҳи қанча катта бўлса, жун маҳсулдорлиги ҳам шунча юқори бўлади. Қўчқорлар жуссасининг катта бўлганлиги сабабли, совлиқларга нисбатан уларнинг жун маҳсулдорлиги анчагина ортиқ бўлади. Ҳар хил жун толалари миқдори ва сифати ҳам қўйларнинг жинсига боғлиқ ҳолда ўзгарувчанликка эга.


Ўтказилган тадқиқотларимиз қорақўл қўйларнинг конституция типлари қорақўл қўйидан қирқиб олинган жуннинг япоғининг жунига таъсир қилишини кўрсатади. Турли типдаги жун толаларининг миқдори тўғрисидаги маълумотлар 12-жадвалда умумлаштирилган.

12-жадвал

Жун таркибида ҳар хил толаларнинг миқдори

Конституция типлари	Тола сони	Шу жумладан					
		Қилтиқ тола		Ортиқ тола		Тивит тола	
		Сони	%	Сони	%	Сони	%
Ғўза мой	401	137	36,7	128	33,6	141	29,7
Оқ гул	398	131	37,9	114	34,9	153	22,2
Нозик	393	136	35,6	106	31,9	151	32,5
Қирриқ	401	156	33,7	119	29,7	126	35,4

Юқоридаги жадвал маълумотлари қўйларнинг жун-конституционал типига мос тарзда жундаги ҳар хил толалар миқдорининг ўзгарувчанлигини кўрсатмоқда қирриқ жун-конституционал типига қўйларга нисбатан, нозик типли қўйларда қилтиқ тола миқдори 1,9% га,



6-расм. Жуннинг морфологик таркиби

ғўзамой жун конституция типигадаги қўйларда 3,0 % га ва оқ гул типли қўйларда 4,2% га кўпдир. Қирриқ жун конституция типли қўйларда тивит

толасининг кўплигидан ташқари жунларининг ингичкалиги билан ифодаланади. Қирриқ типда тивит толасини ўзгарувчанлиги сабаб, жун томирларига келадиган озиқа миқдорларининг турлича бўлиши натижасида жун толалари ривожланишининг ҳар хил бўлишидадир.



7-расм. Нозик типдаги қўзили совлиқ

3.4. Жун қопламида ҳар хир жун толаларнинг ингичкалиги

Жун толаларнинг ингичкаликлари энг муҳим технологик хусусиятларидан бири бўлиб, жуннинг сифати ва тўқиладиган матоларнинг миқдори асосан ана шу хусусиятга боғлиқдир, яъни жун толаси қанчалик ингичка бўлса, ундан тўқиладиган метражли матолар миқдори ва сифати шунча юқори бўлади.

Жун толаларининг ингичкалиги кўпгина омилларга: жумладан қўйларнинг зотлари, озиқланиш ва асраш шароитлари, барра типлари, жун конституция типлари ва хоказоларга боғлиқдир.

Э.Н. Насимов ва бошқалар (2013) маълумотларига кўра жун толаларининг ингичкалиги ҳайвонларнинг жун конституционал типларига ҳам боғлиқ бўлар экан – оқ гул жун конституция типидagi қўйларда йўғон қилтиқ толалари нозик ва қирриқ жун конституция типларига мансуб бўлган қўйларга нисбатан кўп бўлиши такидланган бўлиб, Ана шу олимлар томонидан қорақўл жун қопламида айрим хил толаларнинг ҳайвонлар ёшига қараб ўзгарувчанлигини ҳам ўрганилган.

Муаллифларнинг ёзишича: «Ҳайвонларнинг ёши каттариши билан уларнинг жун қопламидаги жун толалари ҳам дағаллаша боришини аниқладилар, лекин бу ўзгариш ҳам ҳайвонларнинг конституция типларига қараб турлича бўлар экан».

Бунга сабаб, эмбрионнинг она қорнида ривожланиш шароити билан тўғилгандан кейинги шароити ўртасидаги кескин фарқ жун конституция типига боғлиқ бўлса керак. Бундан ташқари, организм қарий бориши билан улардаги модда алмашиш жараёнлари ҳам бирмунча сусая боради ва натижада бу жараён жун ҳосил бўлиш жараёнларига ўз таъсирини кўрсатади.

Жун толаларининг ингичкалигига ҳайвонларнинг конституция типлари ҳам маълум даражада таъсир этади. Бу ўз-ўзидан маълум албатта, чунки ҳайвонларнинг конституция типлари уларнинг организмидаги барча ўзгаришларнинг, шу жумладан тери тўқимасининг ички (гистологик) тузилиши ўзига мос эканлигини аниқланган (Ш.К.Турсунов 1986). Ана шу ўзига хосликка ўз вақтида М.Ш.Исмаилов ва бошқалар (2012) ҳам эътибор берган.

Жун толаларининг бу хусусияти энг муҳим технологик белги бўлиб, саноатда кенг фойдаланилади.

Жуннинг ана шу хусусияти технологик жараёнларда албатта инобатга олинади. Тодқиқотларда олинган жун толаси ингичкалиги бўйича маълумотлар қуйидаги жадвалда келтирилган.

**Хар хил барра типдаги қўйларда жун толаларининг
ингичкалиги, мкм**

Жун- конституция типлари	Шу жумладан					
	Қилчиқ тола		Оролик тола		Тивит тола	
	n	M ± m	n	M ± m	n	M ± m
Вўза мой	114	48,28 ± 0,97	106	35,78 ± 1,14	136	22,56 ± 1,40
Оқ гул	153	50,1 ± 1,8	119	35,98 ± 1,21	156	23,09 ± 1,28
Нозик	151	47,01 ± 1,01	110	35,70 ± 1,15	154	22,36 ± 1,32
Қирриқ	126	46,11 ± 1,2	114	35,62 ± 1,24	131	21,24 ± 1,21

Юқоридаги жадвал маълумотлари, бир хил шароитда асралган қўйларнинг жун толаларнинг ингичкалигига уларнинг жун-конституция типларига ҳам маълум даражада таъсир қилишини кўрсатмоқда ва бу омилнинг таъсири кўпроқ қилтиқ толаларнинг ингичкалигига таъсир этар экан. Қирриқ конституция типдаги қўйларнинг жун толасининг қилтиқ толалари $46,11 \pm 1,2$ мкм ингичкаликга эга бўлган бўлса бу кўрсаткич мустаҳкам конституция типдаги қўйлардаги жун толасининг йўғонлиги $48,28 \pm 0,97$ мкм.га, нозик конституция типдаги қўйларда жун толасини ингичкалиги $47,01 \pm 1,01$ мкм.ни ташкил қилди. Қўпол конституция типдаги қўйларнинг жун толасидаги қилчиқ тола бошқа конституция типлардаги қўйлар жун толасининг ингичкалигидан анча йўғонлигини $50,1 \pm 1,8$ кўрсатиб турибди. Қирриқ ва қўпол конституция типдаги қўйларнинг жун толасини ингичкалигидаги фарқ статистик ишонарлидир ($P > 0,05$).

Одатда ҳар хил жун конституция типдаги қўйлар жунининг ингичкалиги, организмдаги айрим (биологик) ўзгаришларга яъни тери тўқима қатламлари қалинлигига, тери сатҳи ўлчамларига, теридаги жойлашган жун фолликулалари сони, жойлашишиш чуқурлигига ва ҳажмига

ҳамда жун толаларининг ўсиш ва ривожланиш суръатларининг турлича бўлишига олиб келади.

3.5. Жун толаси узунлигининг, тивит зонаси баландлиги ва тола узунлигига бўлган нисбати

Жун толаларининг узунлиги технологик жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлган белгилардан биридир, чунки жун узунлиги юқори бўлган тола қимматли ҳисобланади.

В.В.Калинин (1970) маълумотларига кўра, майин жунли қўйларда жун толалари узунлигини 1см.га узайишига эришилса ўша қўйлар сурувининг жун маҳсулдорлиги 14-15 фойизга ошишини такидлаган.

Ш.К.Турсунов (1986) кўрсатишича саноатда жунларнинг узунликларига қараб турли мақсадларда ишлатилади – узунлиги 3 см бўлган жунлар кигиз учун, 4 – 5 см.ли узунликдаги жунлар сукно саноати учун, 5 – 9 см.ли узунликдаги жунлар камвол саноати учун, 12 – 15 см узунликдаги жунлар гилам тўқиш саноати учун 15 см.ли ундан узун бўлган жунлар эса техник мақсадларда ишлатилади.

Жун толаларининг узунликлари кўп жиҳатдан қўйларнинг зотларига боғлиқдир. Лекин бир зот ичида ҳам турли омилларга кўра жун толаларининг узунликлари турли ўзгарувчанликга эга бўлади. Бу

омилларга ҳайвонларнинг ёши, жинси, боқиш ва асраш шароитлари, барра типлари, жун конституция типлари ва бошқалар киради.

Жун толаларнинг узунликларига ҳайвонларнинг ёшлари катта таъсир кўрсатади. М.Ф.Иванов (1964) фикрича, ҳайвонларнинг ёши оша бориши билан улардаги жун толалари узунлигининг қисқариши юз беради, бунга сабаб ёши катта қўйлар организмида модда алмашишининг бирмунча сусайишидир. Худи шунга ўхшаш маълумотларни Ш.К.Турсунов (1986) ҳам қайд этади.

Ш.К.Турсунов (1986) маълумотларига кўра энг узун жун толалари 3-4 – ёшдаги қўйларда бўлиб, бу кўрсаткич қўйларнинг ёшининг ўтиши билан қисқаради. Жун узунлиги 6 ёшлик қўйларда жуда калта бўлар экан. Яъни ёш қўйларга нисбатан ўртача 5,13 см.га қисқарар экан. А.И.Иноятов (1986) маълумотларига кўра жун толалари узунликлари ҳайвонларнинг барра типларига ҳам боғлиқ бўлар экан.

Жакет типдаги ҳайвонларда жун толалари узунлиги 13,3 см.ни ва ясси тип қўйларда 12,6 см.ни, кавказ типларда 14 см.ни ва қовурғасимон типларда 12,4 ташкил қилган.

Ш.М.Ризаев ва бошқалар (1985) маълумотларига кўра, жун толаларининг узунлигига яйлов шароитига ҳам боғлиқ бўлиб, ёғингарчилик кўп бўлган йилларида қўйларнинг жун толалари узунлигини 100% деб оладиган бўлсак, у ҳолда бу кўрсаткич қурғоқчилик йилларида бу кўрсаткич 78,2 % ташкил қилади.

Бизнинг тадқиқотларимиз натижасида олинган маълумотлар жун толалари узунлиги ҳар хил жун-конституция типларига боғлиқ эканлигини кўрсатди.

14-жадвал

Жун толалари узунлиги ва тивит зонасининг баландлиги, см


Жун- конституция типлари	Япоғи сони	Толалар узунлиги		Тивит зонаси баландлиги	
		$M \pm m$	δ	$M \pm m$	δ
Вўза мой	10	$14,99 \pm 0,28$	1,08	$9,3 \pm 0,15$	0,53
Оқ гул	10	$16,37 \pm 0,41$	1,59	$9,4 \pm 0,17$	0,66
Нозик	10	$13,31 \pm 0,31$	1,30	$9,0 \pm 0,18$	0,61
Қирриқ	5	$10,07 \pm 0,28$	1,11	$8,2 \pm 0,17$	0,43



8-расм.Тажрибадаги қўйларнинг жун толаси узунлигини ўлчаш

Юқорида келтирилган жадвал маълумотлардан кўриниб турибдики, толалар узунлигига кўра энг юқори кўрсаткич оқ гул жун- конституция типига қўйларнинг жунига мансубдир. Агар биз ўз тажрибамизда ғўзамой жун конституция типли қўйлардан қирқиб олинган жун толаларининг узунлигини 100% деб оладиган бўлсак у ҳолда бу кўрсаткич оқ гул жун- конституция типига қўйларда 110,5 %, нозик конституция типли қўйларда 103,8% га ва қирриқ жун-конституция типли қўйларнинг жуни тола узунлигида 95,8 % га тенг бўлганлигини кўрсатди. Лекин ҳар хил типли қўйларда жун толаларининг умумий узунликларига кўра бўлган фарқ яққол кўринган бўлса ҳам, тивит зонасининг баландлиги ўртасидаги фарқ яққол кўзга ташланмайди.

Шу сабабли ҳам тивит зонаси баландлигининг толалар умумий узунлигига бўлган нисбатлари тажриба учун олинган ҳайвонларда турличадир, яъни бу кўрсаткич оқ гул жун конституция типли қўйларда 58 % ни ғўзамой жун конституция типли қўйларда 57,9 % ни нозик жун



9-расм. Ҳар хил жун-конституция типидagi совлиқларнинг жун толаси узунлиги.

конституция типли қўйларда 63,9 % ни ва қирриқ жун конституция типидagi қўйларда 58,9 % ни ташкил қилди.

16-жадвал маълумотлари қўйларнинг жун-конституция типининг тивит зонаси баландлигига таъсири унчалик кўп таъсир этмаслигини кўрсатди, иккинчи томондан эса жун-конституция типидagi таъсирида қилтиқ толаларининг узунлиги сезиларли даражада ўзгарувчанликга эга эканлигини кўрсатди.

3.6. Қўйларнинг жун қирқими

Қорақўл қўй зоти асосан юқори сифатли бозоргир қорақўл териларини олиш учун урчитилса ҳам, улардан олинадиган дағал жун, қорақўлчилик хўжаликларининг маълум миқдорда иқтисодий барқарорлигини таъминловчи товар маҳсулотиди ҳисобланади. Қорақўл қўйларининг жун маҳсулдорлигига уларнинг тирик оғирлиги, ранги, жинси,

семизлик даражаси, барра типи, жун-конституция типи ва бошқа кўпгина омиллар таъсир кўрсатади.

М.Ж.Закиров (1999) маълумотига кўра қоракўл қўйларидан, уларнинг семизлигига, ёшига, гавда тузилишига, жинси ва рангига қараб ҳар хил сифатли жун олинади.

Ш.К.Турсунов (1986) маълумотига кўра қўзилар 5–6 ойлик бўлганда биринчи марта қўзи жун қирқиб олинади, жун қирқими миқдори 0,6 – 1,0 кг ни ташкил қилади. Бир ёшга етганда жун қирқими 0,8 – 1,2 кг.ни, 2 – 5 ёшда 2,5 – 3,0 кг.ни, 6 ёшда 2,0 – 2,5 кг.ни ташкил қилди.

С.Ю.Юсупов (2002) маълумоти бўйича оқ гул жун конституция типига қўйлар 2,8 – 3,5 кг; ғўзамой жун- конституция типига қўйларда 2,5 – 3 кг ва нозик жун конституция типига қўйлар 1,8 – 2,4 кг жун қирқиб олинган.

Э.Шеров.,А.Иноятлов (2014) маълумотлари бўйича қўчқорлардан совлиқларга нисбатан 15 – 20 фоиз кўпроқ дағал жун олинади. Кўк қўйлар қора қўйларга нисбатан 5 – 10 % кўпроқ жун беради. Сур қўйларнинг жун қирқими қора қўйларникидан 10 – 15 % кам жун қирқиб олинади

С.Ю.Юсупов (2001) Қоракўл қўйларнинг семизлик даражаси уларнинг жун маҳсулдорлигига кучли таъсир кўрсатиб, баҳорги жун қирқим мавсумида бу яққол кўзга ташланади. Шу сабабдан ҳам жун маҳсулдорлигини ошириш учун биринчи навбатда қўйлар ўртадан юқори семизликда бўлишига эришиш лозим.

С.Р.Бозоров (1989) маълумотларига кўра агар ориқ қўйлардан қирқиб олинган жун миқдорини 100% деб оладиган бўлсак, у ҳолда ўрта семизликдаги қўйларнинг жун маҳсулдорлиги 111,0–115,0% юқори семизликдаги қўйларнинг жун маҳсулдорлиги эса 114,0 – 121,0 % ни ташкил қилади.

Қоракўл қўйларни жун маҳсулдорлигини уларнинг ёшларига қараб ўзгарувчанлигини П.А.Шульгин (1977), О.Х.Ражабов (1973), Ш.М. Ризаев ва

бошқалар (1985), Ш.К.Турсунов (1986) ўрганганлар. Бу олимлар ўтказган ишларнинг натижаларига кўра қорақўл қўйларнинг жун маҳсулдорлиги уларнинг 4 ёшлик пайтларигача кўпайиб бориб, кейинчалик эса камайиши кузатилган.

С.Ю.Юсупов (2002) маълумотига кўра, қўйларнинг конституция типлари уларнинг жун маҳсулдорлигига маълум даражада таъсир кўрсатар экан. Муаллифнинг маълумотларига кўра, баҳорги қирқим миқдори оқ гул (дағал) конституция типли қўйларда юқори бўлган. Оқ гул жун конституция типига қўйларга нисбатан нозик жун-конституция типига қўйларнинг жунни 39,5 фоизга, мустаҳкам конституция типига қўйларда эса 6,6 фоизга кам жун берган.

Э.Насимов ва бошқаларнинг (2011) маълумотларига кўра, яйлов шароити яхши келган йилларда нозик конституция типига қўйларнинг жун маҳсулдорлигини 100 фойиз деб олинадиган бўлса, бу кўрсаткич мустаҳкам конституция типига қўйларда 131,1 фоизни, дағал конституцияли қўйларда 134,9 фоизни ташкил қилган.

Оқ гул жун-конституция типига қўйларнинг жун маҳсулдорлиги бирмунча юқори бўлишига сабаб улардаги жун қопламнинг узун ва толаларининг анча йўғон бўлишидир.

Қорақўл қўйи асосан яйловда озикланганлиги учун ҳам уларнинг жун маҳсулдорлиги қатор ташқи ва ички омиллар таъсирида шаклланади. Бизнинг ўтказган тажрибаларимиз қорақўл қўйларининг жун маҳсулдорлигига уларнинг жун-конституция типлари маълум даражада таъсир қилишлигини кўрсатди.

Юқоридаги жадвал маълумотлари қорақўл қўйларининг баҳорги жун қирқим миқдorigа уларнинг конституция типлари таъсир қилишини кўрсатмоқда. Ҳақиқатдан ҳам қорақўл қўйларининг баҳорги жун қирқими, ҳайвонларнинг қишлови давомида, бўғоз ҳолатида ва сут эмизиш даврида ўсган жунни эвазига шаклланади.

Қўйларнинг жун маҳсулдорлиги, г

Жун- конституция типлари	Бош сони	Қирқиб олинган жун миқдори		
		$M \pm m$	δ	Қирриқ конституция типига нисбатан %
Вўза мой	10	$1275,3 \pm 51,77$	258,7	116,8
Оқ гул	10	$1326,3 \pm 60,3$	301,8	122,6
Нозик	10	$1140,7 \pm 52,66$	263,3	111,2
Қирриқ	5	$1088,4 \pm 49,56$	247,8	100,0

Шу туфайли бўлса керак энг юқори жун маҳсулдорлиги оқ гул ва ғўзамой жун-конституция типли қўйларга хосдир.

Оқ гул жун конституция типли қўйларнинг жунига нисбатан ҳам ғўзамой жун-конституция типли қўйларнинг жуни 21,5 граммни, нозик типига нисбатан 73,6 граммни, қирриқ конституция типига эса 203,8 граммни ташкил этди. Жун маҳсулдорлиги бўйича бу фарқ назаримизда жун толаларининг ингичкалиги ва узунлигидадир. Биз юқорида таҳлил қилган маълумотларимизда оқ гул жун- конституция типига қўйларда жун толаларининг узун бўлганлиги ва йўғон бўлганлигини таъкидлаб ўтган эдик. Шунингдек қирриқ жун-конституция типига қўйларда жун узунлиги нисбатан калталигини ва толаларнинг ингичкалигини ҳам кўрсатиб ўтганмиз. Шу сабабли ҳам оқ гул жун-конституция типига қўйларнинг жун маҳсулдорлиги юқори, қирриқ жун-конституция типига эса жун маҳсулдорлиги кам кўрсаткичга эга бўлди.

3.7. Тажрибадаги қўзиларнинг жун толасининг узунлиги ва жун қирқими миқдори.

Бизнинг тажрибаларимиз натижасида олинган маълумотлардан (16-жадвал) кўришиб турибдики, қўзилар оналаридан ажратилаётган даврда уларнинг жун толаси

16-жадвал

Тажриба гуруҳдаги қўзилар жун толаси узунлиги ва жун қирқими миқдори, $n = 5$

Жун- конституция типлари	Жун толаси узунлиги, см ва қирқим микдори, г				Назорат гуруҳига нисбатан, %
	Тажриба гуруҳи		Назорат гуруҳи		
	M±m	δ	M±m	δ	
Вўзамой	11,2±0,41	0,83	11,0±0,41	0,83	103,0
Оқ гул	13,8±0,41	0,85	12,0±0,35	0,70	115,0
Нозик	10,84±0,28	0,77	10,3±0,29	0,69	101,8
Қирриқ	9,91±0,34	0,93	9,8±0,32	0,78	100,0
Ўртача жун қирқими микдори	1176,0±43,1	86,19	834,0±16,4	32,86	141,0

Узунлиги бўйича анолог қўзилар танланиб, таққосланаётган гуруҳлар ўртасида ўрганилаётган кўрсаткич бўйича ишончилилик даражасида фарқ аниқланмади. Ўрганилаётган гуруҳлардаги қўзиларнинг жун толасининг узунлиги кузги қирқимдан олдин ўлчанганда, тажриба гуруҳидаги қўзилар жун толасининг узунлиги, оқ гул жун конституционал типидagi тенгқурларига нисбатан 1,8 см ёки 13,1% юқори эканлиги, ғўзамой жун конституционал типидagi қўзиларда 0,2 см, нозик жун конституционал 0,54

см, қирриқ жун конституционал типідағи тенгқурларда 0,11 см узун эканлиғи ($P < 0,01$) кузатилди.

Тажрибадағи қўзилар жун қирқими миқдори ўрганилганда, тажрибадағи қўзиларнинг ўртача жун қирқими миқдори назорат гуруҳидағи тенгқурларига нисбатан 342 г ёки 29,1% устун эканлиғи аниқланди. Аниқланган фарқ юқори ишончли ($P < 0,001$). Олинган маълумотлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, ёш қўзилар организмини тўйимли озуқа моддалари билан тўлиқ таъминлаш, уларнинг жун маҳсулдорлиғи бўйича биологик потенциалининг тўлиқ намоён бўлишига имконият яратади.

3.8. Тажрибадағи қўзиларнинг жун толаси узунлигининг ўртача кунлик ўсиши

Тажрибадағи қўзилар жун толаси узунлигининг ўртача кунлик ўсиш тезлиғи (17-жадвал) ўрганилди.

Тажриба натижасида олинган маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, жун толасининг ўсиш тезлиғи энг юқори оқгул жун конституция типідағи қўзиларда кузатилди, бу кўрсаткич қирриқ жун конституция типідағи қўзиларда калта, 1,38 см ташкил қилди. Ғўзамой ва нозик жун конституция типідағи қўзилар бу кўрсаткич бўйича оралиқ ҳолатни эгаллади.

**Тажрибадаги қўзиларнинг жун толаси узунлигининг ўртача
кунлик ўсиши**

Жун- конституция типлари	Жун толаси							
	Тажриба гуруҳи				Назорат гуруҳи			
	Ўсиши, см		Ўртача кунлик ўсиши, мм		Ўсиши, см		Ўртача кунлик ўсиши, мм	
	M±m	δ	M±m	δ	M±m	δ	M±m	δ
Ғўзамой	2,32±0,11	0,21	1,04±0,11	0,23	1,68±0,04	0,08	0,64±0,06	0,12
Окгул	2,84±0,10	0,20	1,36±0,13	0,26	2,18±0,08	0,16	1,14±0,05	0,10
Нозик	1,98±0,08	0,16	0,8±0,01	0,20	1,35±0,05	0,10	0,42±0,07	0,14
Қирриқ	1,38±0,04	0,08	0,7-0,02	0,19	1,12±0,04	0,08	0,38-0,08	0,14

**3.9. Тажрибадаги ҳар хил жун-конституционал типдаги қорақўл
қўйлари жунининг сифати**

Баҳор мавсумида қирқиб олинадиган қорақўл жунлари одатда яхлит холда япоғи шаклида олинади ва улар аввало қирқим пунктининг ўзида амалдаги давлат андозаси ГОСТ 7935 – 79 талаблари асосида рангларга, холатларга жун толалари узунлигига, ингичкалигига, типларига ва бошқа белгиларига кўра хилланади.

Қорақўл қўйлари жуни дағал жунлар қаторига киришига қарамасдан етарли даражада текис, толалари тўлқинсимон жингалакликга эга бўлиб, таркибида килчиқ тола миқдори нисбатан кам, оралиқ жун ва тивит толаларнинг миқдори анча кўпдир.

Баҳорги қирқимда қоракўл қўйлари жуни амалдаги давлат андозасига кўра ранглар оқ ва ҳар хил рангларга (рангдор), сифатига кўра эса 1, 2 ва 3 классларга, ифлосланиш ҳолатлари ва мусаҳкамлик даражасига кўра эса нормал, ифлосланган (репейная) 1 ва 2 гуруҳ жунларга бўлинади.

С.Ю.Юсупов (2001) маълумотиға кўра, кейинги йилларда олинаётган қоракўл қўйларининг жунлари орасида 1 чи ва 2 чи класс жунларнинг миқдори кескин кўпайган ва 3 чи класс жунлар эса сезиларли даражада камайган.

С.Р.Бозоров (2004) маълумотларига кўра, жунларнинг класслари қўйларнинг конституция типларига ҳам боғлиқдир. Нозик конституция типидagi қўйларнинг жуни асосан 1 чи – классга мансуб бўлади. 1 чи – класс жунларнинг салмоғи 84,9 – 91,1 фойизни, мастаҳкам конституция типидagi қўйлар 73,9 – 76,7 фойизи, дағал конституцияли 2 – классга мансуб бўлса қўйлар жуннинг 77,8 – 83,0 фойизни 3 чи – классга мансуб бўлади.

Э.Насимов ва бошқаларнинг (2011) таъкидлашларича мустаҳкам конституциядаги қўйлардан қирқиб олинган жун рунолари текислиги анча юқоридир. Дағал конституцияли қўйлар руносининг 55 фоиз толалари ингичкалиги ва узунлиги бўйича текис бўлса, нозик конституцияли қўйлар руносининг атиги 40 – 42 фойизни текисдир. Ўтказилган тадқиқотлар ҳақиқатдан ҳам сур қўйларнинг жун қирқими миқдори жун-конституция типларига ҳам боғлиқ эканлигини кўрсатади.

«Сарибел» наслчилик хўжалигида ўтказган тажрибаларимиз натижалари қоракўл қўйлар жунининг сифатига ҳар хил жун-конституция типларнинг ҳам таъсири борлигини кўрсатди.

Юқоридаги келтирилган жадвал маълумотлардан кўриниб турибдики, оқ гул жун конституция типли қўйларда II – класс қўйлар 6 бош бўладиган бўлса, ғўзамой жун конституция типли қўйларда 4 бошга тўғри келди, нозик жун конституционал типли қўйларда 3 бош, қирриқ жун-конституция типиди эса 2 бош II – класс қўйлар мавжудлиги аниқланди.

Қўйлар жунининг сифати

Жун- конституция типлари	Япоғи сони	Шу жумладан сони			
		Оч		Рангдор	
		I – класс	II – класс	I – класс	II – класс
Вўза мой	10	3	2	3	2
Оқ гул	10	2	3	2	3
Нозик	10	3	2	4	1
Қирриқ	5	1	1	2	1

Сур ранг қўйлар ёшининг ошиб бориши билан оқ рангли толаларнинг кўпайишига сабаб бўлади. Шу сабабли ҳам қимматли оқ яппоғи жун барча конституция типларида учради.

3.10. Мавжуд қўйилган муаммоларнинг ечимининг иқтисодий самарадорлиги.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир қоракўлчилик хўжаликлари ўз фаолиятини самарадорлик асосида ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур, магистрлик диссертацияси қоракўл қўйларнинг жун махсулдорлигини ўрганишга боғишланганлиги сабабли ҳар хил жун-конституция типдаги қўйлар жунини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги умум қабул қилинган қоидалар асосида ҳисобланади.

Тажриба учун ажратилган турли жун-конституция типдаги қўйлардан қирқиб олинган жуннинг таннарҳини ва сотиш баҳосини хўжаликдан олинди. Қўйлар жун махсулдорлигини сотишдан олинган натижалар қуйидаги жадвалда кўрсатилган.

19-жадвал

**Турли жун-конституция типигаги қорақўл қўйлари жун
махсулдорлигининг иқтисодий самарадорлиги**

Конституция типи	Бош сони	Жун миқдори, гр да	Махсулот таннари		Сотишнинг баҳоси		Олинган фойда(+) зарар(-)	Даромаднинг даражаси
			1 кг махсулот	жами	Махсулот бирлиги	жами		
Вўза мой	10	1275,3	642.5	819,2	1001,9	1277,4	458,2	55,9
Оқ гул	10	1326,3	642.5	852,0	1000,0	1326,3	774,3	55,6
Нозик	10	1140,7	642.5	733,0	1003,4	1144,6	411,6	56,6
Қирриқ	5	1082,4	642.5	695,2	1005,6	1088,1	392,9	56,5

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, қирриқ жун-конституция типигаги қўйлар жуни юқори нархга эга бўлган шу туфайли ҳам улардан олинган рентабеллик даражаси 56,6% ни ташкил қилди. Оқ гул жун-конституционал типигаги қўйлардан қирқиб олинган жуннинг рентабеллиги 55,6% ташкил қилиб, жун сифатининг паст бўлганлиги сабабли, бошқа жун-конституция типигаги қўйларга нисбатан кам рентабеллик даражасига эга бўлди.

ХУЛОСАЛАР

Турли жун-конституция типдаги қоракўл қўйларининг жун маҳсулдорлиги «Сарибел» наслчилик хўжалигида ўрганиш бўйича ўтказган тажрибаларимиз натижалари қуйидаги хулосаларни чиқариш имкониятини беради:

1. Қоракўл қўзиларининг жун маҳсулдорлиги уларнинг биологик хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб, конституция типи нозиклашиб борган сари уларнинг жун маҳсулдорлиги ҳам камайиб боради.

2. Жун толаси узунлиги оқ гул жун- конституция типдаги қўйларда энг узун бўлиб, нозик жун-конституция типдаги қўйларда эса калта эканлиги аниқланди.

3. Жун маҳсулотлари таннархини камайтиришга эришиш ҳамда уни сотишнинг маркетинг тизимини йўлга қўйиш.

4. Жун маҳсулдорлиги оқ-гул жун- конституция типли қўйларда, қирриқ конституция типдаги қўйларга нисбатан юқори бўлиши, ғўзамой ва нозик жун-конституция типли қўйларнинг жун маҳсулдорлиги миқдори оралиқ ҳолатни эгаллади.

5. 1 кг жун ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги бўйича энг юқори кўрсаткич қирриқ жун-конституция типли қўйларда бўлган бўлса, бир бош ҳисобига олинган даромад миқдори ғўзамой жун- конституция типли қўйлар гуруҳидан кўпроқ олинди.

Ишлаб чиқаришга амалий таклифлар

1. Қоракўл қўйларининг жун маҳсулдорлигини ошириш мақсадида ғўзамой жун-конституция типигаги қўйлар салмоғини кўпайтириш.

2.Хўжаликларда ишлаб чиқиладиган жун маҳсулотини қайта ишлаб чиқаришни ва сотиш тизимини йўлга қўйиш.

3.Нозик ва қирриқ конституция типли қўйларнинг жуни алоҳида навланиб, ярим дағал жун сифатида сотишни ташкиллаштириш.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати.

1. Каримов И.А. "Юксак маънавият енгиллас куч" Тошкент. Ўзбекистон 2008 йил.
2. Каримов И.А. "Жахон молиявий иктисодий инкирози. Ўзбекистон шароитида уни бартараф етишнинг йуллари ва чоралари" Тошкент. Ўзбекистон 2009 йил.
3. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараккиётини янги боскичга кутарадиган йил булди. Ўзбекистон Республикаси президенти Ислом каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий - иктисодий ривожлантиришнинг устивор йуналишларига багишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида килинган маърузаси. Тошкент 2012 йил 19 январь.
4. "Наслчилик тугрисида" ги Давлат конуни. Тошкент. 1995 йил 21 декабр.
5. "Шахсий ёрдамчи. Дех;кон ва фермер хужаликларида чорва молларини купайтиришни рағбатлантиришни чора-тадбирлари тугрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПК-308 сонли қарори. Тошкент 2006 йил 13 март.
6. Шахсий ёрдамчи, деҳдон ва фермер хужаликларида чорва молларини купайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни купайтириш борасидаги ҳушимча чора-тадбирлари тугрисида" ги Ўзбекистон Республикаси президентининг ПК-842 сонли қарори. Тошкент 2008 йил 21 апрел.
7. Аверьянов И.И. Влияние кормления суягных маток на качество и на приплод Бюлл.ВНИИК.№31951.-с57-65
8. Аверьянов И.И. Отбор и подбор в каракулеводстве на основе оценки ягнят и взрослых животных. Тр.ВНИИК. вып.5 1952. Ташкент.-с.119-165.

9. Ахмедов К. Каракулеводства Таджикистана. Душанбе. “Ирфон” 1986.-с.147
10. Базаров С.Р. - Продуктивность и биологические особенности каракульских овец окраски сур разных типов конституции. Автореф. Канд. Дисс. Ташкент, 2003
11. Богданов Е.А. Избранные сочинения. –М.: Госсельхозиздат, 1959. -382 с.
12. Богданов Е.А. Типы и телосложение животных и человека и их значение – 1923.-235с
13. Боголюбский С.Н. К вопросу познания сравнительной комплектации домашних и диких баранов //Доклады АН СССР. –М., 1938. – Т.XIV. –Вып.4. –С.37-39.
14. Боголюбский С.Н. О некоторых общих и частных закономерностях онтогенетического развития овец // Известия науки Азербайджанской ССР: серия биол.науки. –Баку, 1948. -№2. –С.25-28.
15. Боголюбский С.Н. Современные проблемы эмбриональной и возрастной морфологий сельскохозяйственных животных //Сб.науч.трудов ин-та морфологии животных им. А.Н.Северцова. –М.: АН ССР, 1957. – Вып.22. –С.7-16.
16. Бозоров С., Коракул териларида ранглар жилоси. Ўзбекистан қишлоқ хўжалиги , 2004
17. Бозоров С.Р. Эгамкулов М.О. Эржанов П. Саттаров С.Б. Сравнительная характеристика шерстной продуктивности каракульских овец разных конституциональных типов. Материалы международной научнопрактической конференции “Проблемы пастбищного животноводства и экологии пустынь” Самарканд. 2000.С. 69-72.
18. Бровар В.Я. Сила тяжести и морфология животных.–М., 1960. - 239 с.
19. Буйлов С.В., Курганский В.М. Мясо-шерстное овцеводство М.:

Колос, 1966. –с. 24-51.

20. Валиев Р.Г. Теория и практика селекции черных каракульских овец. Автореферат. Диссертации докт. Наук. Московская область. Балашиха. 1984.

21. Васин.Б.Н. Рангдор қорақўл. Самарқанд. 1991

22. Газиев А. ва бошқаалар. «Кора рангли қоракул қўйлари селекцияси самарадорлигини ошириш усуллари». (Услубий курғазмалар). Самарқанд 2001.

23. Газиев А. ва бошқалар. «Кора рангли қоракул қўйлари селекцияси самарадорлигини ошириш усуллари». (Услубий курғазмалар). Самарқанд 2013.

24. Газиев А.Фозилов У.Т. Қорақўл қўйларининг ирсиятини мустаҳкамлаш омиллари. Ж.Зооветеринария. 2013. №11.33-36 б.

25. Гигинейшвили Н.С. Племенная работа в цветном каракулеводстве. М.Колос. 1976, стр 191

26. Гигинейшвили Н.С. Серые каракульские овцы М. “Сельхозиздат” 1954.320-с.

27. Гиёсов М.А. ва бошқалар. «Қорақўлчиликда селекция ютуқларини апробациядан ўтказиш бўйича низом». Тошкент 2001.

28. Дьячков И.И.Племенное дело в каракульском овцеводстве.Ташкент. Фан.1980 -153.с

29. Елемесов К.Е. Мусаев К.М. Механические и физико-химические свойства каракуля разных районов. Ж. Овцеводства 1971.№9 с.21-22

30. Ерофеев А.С. Шарафуддинов Ф.К., Саденов А.«Ширина завитков от чего она зависит» «ж.Овцеводство» №12, 1983

31. Закиров М.Д., Атамуродов К.А., Хайдаров Я.Х. «Хайвонлар хом-ашёс! товаршунослиги». Тошкент 1999

32. Закиров М.Д., Каримов К.К. «Смушководение» Тошкент 1987

33. Закиров М.Д., Юсупов С.Ю. - Биология каракульской овцы. Ташкент, «Фан», 1992.
34. Закиров М.Д.Хамракулов Д.Ю., Ш.Ширинбоев “Қоракўлчилик” Ташкент. “Ўқитувчи” 1983
35. Закиров М.Ж. и др. Каракулеводство. Ташкент, Мехнат, 1991 стр. 280.
36. Ибрагимов О.К. “Ценные заводские типы каракульских овец сур” в книги: Тезисы докладов конференции по вопросам каракулеводства. Тошкент. 1996.С.88-93.6.
37. Иванов М.Ф. Каракулеводство на юге России. Полн. собр. соч. Т.3 -М. 1964.
38. ИвановМ.Ф. О селекции каракульских овец. Изб. Соч. М.1949. т.2.-240с.
39. Исмаилов М.Ш. Фенотипические особенности каракульских овец разных периодов ягнения. Дисс. канд. С-х. наук. Самарканд 1989. 124 с.
40. Исмаилов М.Ш. Шерматов А.Ш. Попова В.В. Чўл ва ярим чўл шароитида қоракўл қўйларини сақлаш, озиқлантириш ва маҳсулдорлигини ошириш шартлари. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришда инновацион технологияларнинг роли. Тўплам 1-қисм. Самарқанд. 2012.-199-203 б.
41. Калинин В.В. Мглинец А.А. “Методики по исследованию свойств шерсти” Дубровицы изд.ВИЖ. Москва 1969.С.16.
42. Калинин В.В. Мутаев. М.М. Мглинец А.А. “Методика испытание волокн шерсти на ратижение и прочность на разрыв” Дубровицы. изд. ВИЖ Москва 1970.-с.25.
43. Котов М.И. Качество смушка каракульских ягнят в связи с их живым весом при рождении. Ж Каракулеводство и звероводство. -1950 №1 с.-25-31.

44. Крымская Э.К., Кузнецова Н.А. Некоторые биологические особенности каракульских овец различных типов конституции. Тр. МПМИ. т1. 1951. - с. 71-75
45. Крымская Э.К. Конституциональные типы каракульских овец В кн. Руководство по каракулеводству М. Колос. 1971. - с. 21-38
46. Кулешов П.Н. Мясное овцеводство. - М.-Л.: Госиздат, 1960. - 112 с.
47. Левантин Д.Л. Влияние питания на рост, развитие и мясные качества молодняка симментальской породы Ж. Советская зоотехния. - М., 1967. - №11. - С. 52-62.
48. Левантин Д.Л. Теория и практика повышения мясной продуктивности в скотоводстве - М., 1972 - С. 3-131.
49. Лискун Е.Ф. Экстерьер сельскохозяйственных животных 3-изд. М. 1949. с. 262-285.
50. Миддендорф А.М. Пояснение выражений касающихся основных начал коневодства // Коннозаводство. - Санкт - Петербург., 1921. - №1. - С. 93-111.
51. Михновский Д.К. Вес ягнят при отъеме - важный показатель при селекции Ж. Овцеводство. - М., 1964. - №6. - С. 2-24.
52. Можаяева Е.С. Рост и развитие ягнят при различном питании. - М., 1952. - 152 с.
53. Мусин Б.М., Яковлев А.Г. Зависимость роста телят казахской белоголовой породы от веса при рождении. Вестник с.-х. науки Казахстана. - Алма-Ата: Кайнар, 1966. - №1. - С. 54-58.
54. Мухамедгалиев Ф.М. Некоторые закономерности индивидуального развития сельскохозяйственных животных и вопросы повышения плодородности, рационального выращивания молодняка // Индивидуальное развитие сельскохозяйственных животных: сб. науч. трудов ин-та экспериментальной биологии АН Каз ССР. - Алма-Ата: Кайнар, 1966. -

Т.3. –С.3-10.

55. Насимов Э.Н. Джамбилов Б.Х. Исмоилов М. “Ёш коракул кузилари махсулдорлиги ва унинг ирсий ва пратипик омиллар билан боғликлиги” Фан ютуклари ва аграр соҳа истикболлари. (Обод турмуш йилига бағишланган илмий-амалий конференцияси материаллари туплами 1-кием). Самарканд 2013.195-197.6.

56. Павлов И.П. Полное собрание сочинений Том III. Книга 1. Изд.АН М.1951.

57. Плохинский А.А. “Руководство по биометрии для зоотехников” Москва Колос” 1968.С.305.

58. Пшеничный П.Д. Вопросы направленного вмешательства в индивидуальное развитие животного //Вестник сельскохозяйственной науки. –М., 1963. -№2. –С.70-77.

59. Пшеничный П.Д. Проблемы роста и развития сельскохозяйственных животных Ж. Животноводство. –М., 1961. -№3. –С.28-31.

60. Ражабов О.Х. Изменение качества шерсти овец с возрастом. Тр Сам СХИ том. XXIV. 1973. -с.34-38

61. Расходов Г.Ф. О росте главнейших тканей и органов во вторую половину эмбрионального и постэмбрионального периода// Сб. науч. трудов Кубанского сельскохозяйственного института.–Кубань,1925.–С.11-12.

62. Свечин К.Б. Индивидуальное развитие сельскохозяйственных животных. –Киев. Урожай, 1976. с.-273.

63. Свечин К.Б. Скороспелость и мясные качества сельскохозяйственных животных //Биологические основы повышения мясных качеств с.-х. животных: сб.науч.трудов Украинской сельхоз академии. -Киев: Изд-во УкрСХИ, 1962. –С.20-24.

64. Свечин К.Б. Теория и практика современных направлений в исследованиях индивидуального развития животных Ж. Животноводство. –

М., 1963. -№10. –С.60-64.

65. Сеченов И.М. Рефлексы головного мозга. изд. АМН СССР. М.1952.с.234

66. Соколов И.И.Морфология пород домашних овец М.Л. изд. АН.1960.-с77-85.

67. Турсунов Ш.К. Физико-механические свойства шерстных волокон черных каракульских овец и их значение в селекции Автореф.дисс.канд..с.х. наук. Дубровицы. М. 1986. –с 21.

68. Чирвинский Н.П. Общее животноводство //Поля, руководство для средних с.-х. учебных заведений –М., 1923. –Ч.1. –С.19-26.

69. Чирвинский Н.П. Развитие костяка у овец при нормальных условиях, при недостаточном питании и после кастрации самцов в раннем возрасте. –М.,1933.–Т. 1. –С.148-170.

70. Шеров Э.И.ноятов А. Турли жун-конституция типидаги қоракўл қўйларининг жун маҳсулдорлиги. ж.Зооветеринария 2014. №11.29-30 б.

71. Ширинский М,А, Размер завитка смушка как важный смушковый признак при разведении каракульских овец черной окраски. Автореф.канд дисс. Алма-Ата, 1961 –с.21

72. Шмальгаузен И.И. Определение основных понятий и методика исследований роста //Рост животных. –М., 1935. –С.8-60.

73. Шмидт Г.А. О проблемах периодизации индивидуального развития сельскохозяйственных животных // Сб. науч. трудов института морфологии животных им. А.Н.Северцева. –М.: АН СССР, 1957. –Вып.22. – С.16-25.

74. Шмидт Г.Д. Наблюдение над внутриутробным развитием крупного рогатого скота // Сб. науч. трудов института морфологии животных им. А.Н.Северцева. –М.: АН СССР, 1959. -Вып.12. –С.107-110.

75. Шульгин П.А. К вопросу о морфологии шерсти каракульских овец Тр.ВНИИкаракулеводства Ташкент. 1977. Вып. VII.с.48-52

76. Эктов В.А. Постэмбриональный весовой рост скелета крупного скота при различных условиях питания. // Известная Темирязевской с/х академии, -М., 1982, -Вып. 1. –с 75-80.

77. Юдин В.М. К вопросу о конституциональных типах каракульских овец. В кн. Каракуль и смушки. М. 1964.-с253-257.

78. Юсупов С.Ю. Ўзбекистон қорақулчилиқда селекция ютуқлари ва таджикотларнинг устивор йуналишлари. Тошкент Ж. Зооветеринария № 1, 2008.

79. Юсупов С.Ю., Фозилов У., Газиёв А. Фенотипический эффект генов - модификаторов каракульских овец. Ж.Зооветеринария №8. 2009

80. Юсупов С. Қорақулчиликда юқори маҳсулдор қўйлар насл гуруҳларидан унумли фойдаланиш. Ўзбекистон кишлок хўжалиғи , №4, 2002

81. Юсупов С.Ю. “Овцы и козы Узбекистана». Самарканд .2000.58.С.

82. Юсупов С.Ю. « Пустынно - пастбищное животноводство» .Самарканд.2001

83. Юсупов С.Ю. Конституциональная дифференциация и продуктивность каракульских овец. Т. 2005 г.

84. Юсупов.С.Ю., Бозоров С.Р. Жунга бирламчи ишлов бериш технологияси. Самарканд 1998

85. Янченко Ф.Н., Суворов В.М. Влияние молочности маток на развитие и продуктивность ягнят. Ж. Овцеводства 1985 № 6. -С. 16-17.

86. Hammond G. Becf from the didru herd //Agrioulrure. -1985. –Vol.65 –Р.9.

87. <http://wvww.stu.ru/конф2001 /филес/2/5 .zip>; Лейбовский, 1988; Манкова, 1998;.

88. Интернет сайтлари:

89.1. <http://www.ziyonet.uz> - Зиёнет таълим портали

89.2. <http://www.lex.uz> - Қонун ҳужжатлар сайти

- 89.3. <http://www.livestock.uz> - Ўзбекистон чорвачилик сайти
- 89.4. <http://www.usda.gov>- АҚШ қишлоқ хўжалиги сайти
- 89.5. <http://www.uz.bir.uz> Бизнес инфор­мацион ресурслар сайти
- 89.6. <http://www.uza.uz>- Ўзбекистон ахборот агентлиги сайти
- 89.7. <http://www.uzrepot.com> - Бизнес ҳисобот портали

ИЛОВАЛАР